

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

“Педагогика ва психология” кафедраси

**“Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавий-
интеллектуал камолотида маданият омилининг ўрни”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

КАФЕДРА МУДИРИ:
П.Ф.Н., ДОЦ. З.Х. ҚОСИМОВА

БАЖАРДИ:
“КАСБИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ”
ФАКУЛЬТЕТИ ТАЛАБАСИ
ҚОДИРОВ ФАРҲОД ЭРҒАШЕВИЧ.

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Ф.Ф.Н., ДОЦ. ХУДОЙБЕРДИЕВ ЭРКИН.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ КАФЕДРАДАН ДАСТЛАБКИ ҲИМОЯДАН ЎТДИ.
_____ СОНЛИ БАЁННОМАСИ “_____” _____ 2012 ЙИЛ.

Тошкент-2012

Мавзу: Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавий-интеллектуал камолотида маданият омилининг ўрни

Режа:

Кириш

Асосий қисм.

I боб. Маданият тушунчаси ва унинг комил инсонни шакллантиришнинг илмий назарий асослари

1.1. Маданият кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса

1.2. Маданиятнинг таркибий қисмлари

1.3. Маданиятнинг таркибий қисмлари

II боб. Маданият ва унинг асосий таркибий қисмлари, унинг маънавий-интеллектуал ривожланишдаги аҳамияти

2.1. Маданиятнинг асосий таркибий қисмлари

2.2. Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавий-интеллектуал камолотида ахлоқий маданиятлик омиллари

2.3. Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавий-интеллектуал ривожланишида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш усуллари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

ÊÈÐÈØ

Мустақил Ўзбекистон дадил ва шахдам қадамлар билан жаҳон ҳамжамияти аъзоси бўлмиш мамлакатлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб, илдамлаб бормоқда. У ўзлигини намоён этишга истиқлол ва ҳуррият шарафи ила эришди.

Биз мустақиллик ҳақида, мустақиллик неъматлари, мустақиллик иншоотлари ҳақида кўп ва ҳўб гапирамиз. Бироқ, бу нодир неъматнинг қандай қўлга киритилгани ҳақида эса негадир камроқ гапирамиз. Ваҳоланки, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш, ўз тили ва эркига эга бўлиш халқимизнинг асрий орзуси эди.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, биринчидан, мустақил жамиятнинг барча жабҳаларида чуқур ислохотларни амалга оширишни табиий равишда кун тартибига қўйди. Ёшлар бу жараённинг моҳиятини тўғри англамоғи, ижтимоий фаол бўлмоғи учун маданият тарихини ўрганмоғи, билмоғи лозим.

Иккинчидан, мустақиллик шарофати билан ёшларимиз хорижда таҳсил олмоқдалар, ўзга халқлар маданияти, удуми, анъаналари билан танишмоқда. Бундай шароитда ўз маданий-маърифий меросини яхши билмаслик кечирилмас ҳол. Улар жаҳонни ҳайратга солган аجدодлар меросини билмоғи ва унга муносиб ворис бўлмоғи керак.

Учинчидан, миллий ғоя, миллий мафқурани шакллантириш, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, ёшларни миллат ва истиқлол манфаатларига зид ғоялар, қарашлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш вазифаси миллий-озодлик ғояларини, буюк мутафаккирларимизнинг мероси ва асарларини билишни талаб этади.

Тўртинчидан, ёш авлодларда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва тегишли тавсияларни бериш замон талаби саналади. Юқорида таъкидланганларнинг барчаси танланган мавзунинг

долзарблигини, унинг жиддий талаблар билан уйғун келишини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси Биз юқорида қайд этганимиз каби, ижтимоий- маданий фаолиятни такомиллаштиришда тарғибот усулларида фойдаланиш масалалари янги вазифалардан ҳисобланади ва у бўйича ҳозирга қадар муайян ишлар амалга оширилган бўлсада, улар муаммонинг умумий жихатларинигина ўзида акс эттиради холос.

Бу бўйича кейинги йилларда айрим ишлар бажарилди. Масалан, Р.Жуманиёзов, С.Салимов, Н.Жўраев, З.Давронов, Б.Исоков кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.¹ Айниқса Р.Жуманиёзов, С.Салимовларнинг “Ғоявий тарбияда нотиклик санъати” асари алоҳида эътиборга лойиқ. Унда тарғибот- ташвиқот ишларининг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий- маърифий соҳаларидаги ўрни, ижтимоий-маданий фаолиятни такомиллаштиришда тарбиявий омилларнинг аҳамияти тушунарли ва содда тилда баён этилади. Шунингдек, асарда тарғибот-ташвиқот ишларида нотикнинг ўрни, унинг тили, ифода этиш маданияти, кутилмаган, тасодифий ҳолатдаги аҳволи, воиз- нотикнинг илм-билим даражаси, унинг масъулият ҳисси кабилар ишонарли тарзда тушунтириб берилади.

“Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси асосида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар тажрибасидан”, деб номланган рисола ҳам мавзунини ёритишда маълум аҳамиятга эга бўлди. Рисолада Республикадаги айрим олий таълим муассасалари мисолида талабалар ўртасида ғоявий-мафкуравий, маънавий-ахлоқий тарбиявий ишларни такомиллаштириш, бу жараёнда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни каби масалалар ўз аксини топган.

¹ Αερίαιε, ςία Δ., Νάεειιά Ν. Γίγαιέ δαδαιέγαιά ιιδέκεέε παίυαδέ.-Όίσεάίο, 2002; Ιόνοακέε ιαάεεενοίι δαδαιέ, δειεία ςίγαιέ ανίηεαδ.-Όίσεάίο, 2001; Αεδαιά Ι. Βίαιεαιέσεαδ είιοαίρεγίηε: γδαέέεεε, γάίρεδγέηε αα αίαιέ, δέ.-Όίσεάίο, 2002; Νάεειιά Ν., Άααδίία ς. Αιέγέ, οαοι αα ιαίυαίεγέ.- Όίσεάίο, 2002; Όαύεε ιαάνηαίεαδεαα ιέεέε εηδέκείε ςίγίηε ανίηεα αίαιεα ιεδέεεα δαίι δαδαιέγαιέ εσεαδ δααδεάαηε.- Όίσεάίο, 2003 αα αίοκαεαδ.

Шу билан бирга кейинги йилларда маънавий- маърифий ишлар, ғоявий- мафуравий тарғибот масалаларига бағишланган қатор асарлар ҳам чоп этила бошланди. Бу борада айниқса “Тарбия” энциклопедияси, “Мустақиллик” изоҳли илмий- оммабоп луғат, “Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати” каби асарларни алоҳида таъкидлаш лозим¹

Номлари келтирилган ушбу асарларда маънавият, маърифат, ижтимоий-маданий фаолият, тарғибот-ташвиқот каби масалалар изоҳлаб берилган, улар оммабоп тарзда баён этилган. Айниқса, бу ўринда “Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати” китоби алоҳида қимматга эга. Унда “Миллий истиқлол ғояси” фани мавзуларини технологиялаштиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш мезонлари, ўқитиш технологияси мазмун-моҳияти, тузилмаси, таснифи. тарғибот-ташвиқот усулларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари кенг, ҳар томонлама таҳлил этилган.

Биз танлаган мавзуга яқин асарлардан бири “Ижтимоий-маданий фаолиятнинг долзарб муаммолари” (Тошкент, 2011 й), деб номланади. Асарда маданиятнинг ижтимоийлашуви, ижтимоий-маданий фаолият эволюцияси, таълим-тарбия тизимида тарғибот масалалари ранг-баранг мақолаларда ўз аксини топган.

Китоблар, ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда, мақолалар нашр қилинмоқда. Аммо Ўзбекистонда ижтимоий-маданий фаолиятни такомиллаштиришда тарғибот усулларида фойдаланиш масаласи ҳозиргача алоҳида тадқиқот объекти сифатида илмий жиҳатдан ишланмади. Буларнинг бари ушбу мавзунини танлашга бизни ундади.

[illegible]

¹ Ἰόνθακῆῆῆῆ. Ἐξίχῆῆ ῆῆῆῆ-ῆῆῆῆ ῆῆῆῆ. -Ὀῖῆῆῆῆ, 2006; ῆῆῆῆ ῆῆῆῆ: ῆῆῆῆῆῆ ῆῆῆῆῆῆῆῆῆῆ ῆῆ ῆῆῆῆῆῆ ῆῆῆῆῆῆ. -Ὀῖῆῆῆῆ, 2007; Ὀῆῆῆῆ. ῆῆῆῆῆῆῆῆῆ. -Ὀῖῆῆῆῆ, 2010; Ἐῆῆῆῆ Ἀ. Ἐῆῆῆῆ ῆῆῆῆῆῆ, ῆῆ ῆῆῆῆ. -Ὀῖῆῆῆῆ, 2007; ῆῆ ῆῆῆῆῆῆ.

қааёйәе йаааёёёё, ёёй-оайё, йаудёёоаоё хай ойоёёёёёёёёёё. Оойёйә о÷оё хай Ыйәёёёёйә қадёёёәә аёййай Ҷсааё оаёкёёёйә аогой аой,әә йауёой аа йаөхөд аҶёәай аорё аәәйәәәдёёёйә оаааёёоа ёойёәдё аой, йек,нәәә ёайә йёёйёәйәә. Оаёкёёёёёйә Ҷаёйәәдёёёйә айкёе хәёёәёёәдё – Аоёйёй аа Оёәә 2500 ёёёёёәё оайоайә кёёёйә. Нәйәдқаёйәә Ҷоәай «Оаёк оаёййәәдё» оаёқаёй йоёкә оаёёёәәёё Ҷсааё ййёёё оҶйк-оҶйкәәдәә йауёой аа йаөхөд кёёәё.

Битирув малакавий ишининг мақсади - Баркамол инсон тарбиясида миллий маданиятимиз, миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз бекиёс куч. Уларни ўқиш, ўрганиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Чунки бундай жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган маданий меросимиз дурдоналари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун жаҳон халқларининг маънавиятини бойитиб келган, уларга олам-олам маънода билим берган, улардан бугунги кунда маданий-маърифий ва тарбиявий жараёнида фойдаланишдан иборатдир.

Аёдёёдоа йәёәәәёёё ёёёёйә йёәййәдө – Йауёааёё ааёёәййё ёййй оаёаёўнәәә оаёқййә аййайә аа қааёёёёәд.

Аёдёёдоа йәёәәәёёё ёёёёйә йауәёдө - Йоёоақёёёёё ёёёёәдөәә Ҷсааёёёоёйәә йаааёёё оаёаккё,о, йауёааёё ааёёәййё ёййй оаёаёўнё, оаёқййә қааёёёёәдйёйә оаёёёәйёёё.

Малакавий битирув ишининг вазифаси. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун

- миллий маданиятимиз,
- миллий маънавиятимиз,
- шарқона қадриятларимизни тиклаш,
- ҳамжихатликка эришиш каби юксак инсоний туйғуларни коллеж ўқувчилари руҳиятига сингдиришдир.

Таёққотнинг илмий янгилиги:

- қадриятларга ёндашув кўникмаларини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги;
- ушбу жараённинг мазмуни, шакли, восита ва методлари;

- кадриятларга ёндашув кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, шу асосда мафкуравий иммунитетни ривожлантириш бўйича мониторинг олиб бориш;

- мазкур масала юзасидан илмий-методик тавсиялар яратиш ва самарадорлик даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, асарлари, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақидаги қарашларни шакллантиришнинг анъанавий ва замонавий методларига яхлит ёндашув, мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий манбалар.

Тадқиқот методлари:

1. Мавзуга доир фалсафий, сиёсий, педагогик ва психологик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш;

2. Қиёсий-педагогик таҳлил;

3. Анкета, суҳбат, интервью;

4. Кўрсатмаларни ўрганиш;

5. Мониторинг олиб бориш.

Малакавий битирув ишининг назарий аҳамияти. Республикамизда маданият муассасаларининг ишларини ташкил қилиш борасида ишлаб чиқилган дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент Ислам Каримов фармонлари, нутқлари, китоблари, маданият муассасалари ишларини олиб бориш масаласига оид бўлган ҳужжатлар тадқиқотнинг назарий асоси ва дастурий амали ҳисобланади.

Ҳар қандай ҷамият маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсонни қаерда яшаши ва ҳаракат қилишини, дунёдаги, ҷамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради.

Шахс билан ҷамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлиб, Шахс маданияти ҷамият маданиятини белгилайди ва шахс маданияти ҳам ўз навбатида муайян бир ҷамият маданиятида шаклланади. Ҳар бир ҷамият шахснинг қадриятларини белгилайди ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Ҷамият билан шахснинг ўзаро муносабати, шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний қадриятлар ҳақидаги муаммо барча тарихий даврлардаги муҳим масала ҳисобланган.

Инсон табиатнинг олий маҳсули бўлиб, унинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси билан белгиланади. Инсон айна пайтда ҳам тарихий тараққиётнинг маҳсули, ҳам унинг субъектидир. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради, дунёқарашини шакллантиради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида фақат нарсалар яратиб қолмай, ўзини ўз шахсиятини ҳам қайта яратади. Бу жараёнда инсон ўзини такрор ижод қилади ва шу жиҳатдан у ижтимоий мавжудотдир.

Шахсни ҷамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмаганидек, ҷамият тараққиёти ҳам инсоннинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ҷамият билан шахс ўртасидаги муносабат бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс турмушининг турли-туман кўринишлари, хусусиятлари шаклланади. Маданият коллежи ўқувчиларининг шаклланишида ҷамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ҳар бир шахсда у мансуб бўлган жамоага, миллатга, элатга, ҷамиятга хос ҷами хусусиятлар ва белгилар бўлади. Шахс ўз ҳаётининг бутун мазмунини ҷамиятдан, кишилар жамоасидан олади. Ҳар қандай шахс объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг узвий бирлиги таъсири остида шаклланади. Маданият коллежи ўқувчиларининг

камолотида объектив шарт-шароитлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Оила, ўқув даргоҳлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, матбуот, маҳалла, кўча сингари омиллар ҳам шахсни тарбиялашда муҳимдир. Объектив шарт-шароитларнинг шахсга таъсири субъектив омиллар орқали ўтади.

Шахс ижтимоий мавжудот сифатида муайян эркинликка ҳам эгадир. Унинг эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузилишига, мулкӣ муносабатлари ҳам боғлиқдир. Эркинлик ҳар бир шахснинг табиӣ ҳуқуқидир. Шахснинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликларни чегаралаб қўйиш, паймол қилиш; миллий, диний камситишлар; ирқчилик; халқларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларига беписанд қараш, уларнинг ҳуқуқӣ ва манафаатларини камситишдир.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умуминсоний олдидаги бурчи ва маъсулияти ҳам бор. Инсон ўзи яшаб турган жамиятнинг қоун-қоидалари, тартиблари, ахлоқӣ, ҳуқуқӣ нормаларига амал қилмаслик, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш асло мумкин эмас.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ манфаатларига тўла тааллуқли бўлган бурчлар ва маъсулиятлари ҳам бўлади. Булар табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, бошқа халқлар ва мамлакатлар билан дўстлик, тинчликни сақлаш сингарилардир.

Барча маданиятли жамиятнинг хусусиятини, унинг мезон ва мазмунини зиёлилар белгилайди. Зиёлилик бу нафақат кенг билимга эга бўлишни, балки ташаббускорликни, жавобгарликни, ахлоқӣ-эстетик журъатни ва туғма истеъдодни билдиради.

Маданият коллежи ўқувчиларининг комилликка эришувини таъминлашда жамиятдаги меҳнат маданиятини ривожлантириш, кишиларнинг сиёсий онглилигини ошириш, ахлоқӣ ва эстетик нафосатини тарбиялашда маданиятнинг таркибӣ қисмлари, соҳалари катта вазифани бажаради.

Маданият коллежи ўқувчиларини социал жиҳатдан фарқланишига кўра инсоннинг меҳнат маданияти, муносабат маданияти, ахлоқ маданияти, бадий-тафаккур маданияти, дунёқараши руҳни олами ҳақида гапириш мумкин. Маданият ижтимоий тузилма сифатида илмий билимларни, тафаккурни, урф-одат ва анъаналарни қамраб олади.

Малакавий битирув ишининг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан Республика олий таълим тизими ўқув-тарбия жараёнида мафкуравий тарбия самарадорлигини оширишда, миллий ғояни талабалар онгига сингдиришнинг янги технологияларини жорий қилишда, “Педагогика”, “Психология”, “Маънавият асослари” курсларини ўқитишда, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларининг малакасини оширишда, маънавий-маърифий тадбирлар дастурларини тузишда, шунингдек, “Маънавият ва маърифат” марказлари, ахборот технологиялари марказлари, гуруҳ мураббийлари фаолияти мазмунини ёшларда педагогик технологиялари орқали мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг шакли, восита ва методлари билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Малакавий битирув ишининг структуравий тўзилиши - Кириш, икки боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ КОМИЛ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

1.1. Маданият кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса

Инсоният жамият тараққиётига фақат сиёсий, иқтисодий, техникавий, ҳуқуқий тадбирлар билан эришиб бўлмайди, шулар билан бир қаторда жамият маънавий-маданий ҳаётини ҳам юксалтиришга эришмоғи зарур бўлади. "Маънавият йўқ жойда, - деган эди Президент Ислон Каримов, - ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди"¹.

Маданият – бу инсон яратган нарсалардир. Маданиятшунослик инсоннинг олам билан фаол муносабатини ва бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлишини, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини, маданиятлар типологиясини ўрганади.

“Маданият” атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларида ранг-баранг маъноларда ифодаланган. “Маданият” ва “Култура” атамалари мутахассислар фикрига кўра айни маънони англатиб, лотинча “ишлов бериш”, “парвариш қилиш” маъносини англатган. Кейинчалик “маърифатли бўлиш”, “тарбияли”, “билимли бўлиш” мазмунида ишлатилган. Ўзбек тилида кенг ишлатиладиган “Маданият” атамаси арабча “маданий-шаҳарлик” деган маънони билдиради. Агар америкалик маданиятшунос олимлар А.Кребер ва К. Клакхонларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра маданият ҳодисасига берилган таъриф 164 та бўлса, сўнгги адабиётларда бу рақам 400 дан ортиқни² ташқил этади. Маданият ҳодисаси тавсифида жуда кўп изоҳлар мавжуд “инсониятни яшаш усули; ижтимоий инсоннинг тўлақонли фаолияти”, “инсон томонидан яратилган муҳит”, “яхлит социал органзм”, инсоният яратган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи; сунъий – иккинчи табиат; инсон иждий фаолияти маҳсули; умуман жамият; жамиятнинг маънавий ҳолати; жамият сифати; шартли белгилар тизими йиғиндиси; меъёр ва андозалар ва ҳакозо.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.-176 б.

² Ёаъдòàí Ë.х, Ёлòìðèý ёóèùðóðù òòðàí Áàðîù, Áàððèèè, -ì., 1987. 14-ááò

Ғарбий Европада маданият тушунчаси XVIII асрнинг охиридан эътиборан ҳозирги мазмунини касб этган бўлса-да, фақат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар категориал тизимидан мустаҳкам ўрин олди. Кишилиқ жамиятини бекиёс кўламга эга бўлган муайян тартибга солишга ёрдам берувчи умумлаштирувчи тушунчаларга бўлган эҳтиёжи маданият тушунчасини кенг тарқалишига сабаб бўлди. Қадимги Римда “Маданият” – тушунчаси “ҳаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилашга ва тозалашга қаратилган ғамхўрлик” деган маънода ҳам фойдаланилган. Маълумотларга кўра, машҳур Рим файласуфи нотиқ Цицерон ҳам “руҳият маданияти” атамасини ишлатган. Европа халқларида XVIII асрнинг охирларигача “Маданият” атамаси ақлий-ахлоқий маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Кўриниб турибдики, “Маданият” тушунчаси хилма-хил талқинига қарамай қадимдан ҳозирги кунгача ўз моҳиятини ўзгартирмаган¹.

Ҳозирги даврдаги маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавий, руҳиятнинг ўзига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Инсоният “Табиий” турмуш тарзи асосида яшаган даврда: яъни териб истеъмол қилиш, ов қилиш, балиқ тутиш, чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланган вақтларида маданият тўғрисидаги фикрнинг туғилиши манзаралидир. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон ўз маданияти билан “қўшилиб” яшаган. Урф-одатлар, эътиқодлар, ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари ундан фарқ қилмаган. Маданиятнинг автономияси намоён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосда маданият аста-секинлик билан инсониятдан тобора кўпроқ мустақил бўлиб боради. Инсоннинг эса маданиятига тобеълиги ортади. Ҳозирги постиндустриал жамиятлардаги экологик, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги мавжуд муаммолар фикримизнинг далилидир. Шунинг учун маданиятни феномен сифатида идрок этиш, унинг ривожланиш қонунлари

¹ ισαâê òèèèìéïã èçîxèè éóγàòè, -ì; 1981, 1-òïï, Ýíòèèèïïãàèè éóγàò, - Ò., 1990. 1-òïï.

тушуниш ва шу тушунчалар асосида маданиятни бошқаришга ўрганиш зарурият бўлиб қолади.

Инсоният жамияти доимий равишда ривожда бўлиб, у ўзгариб, такомиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни ўзгача англайдилар ва қабул қиладилар, ўзларига хос равишда тасаввурлари ва билимларини ҳосил қиладилар. Биз ҳозирги даврдаги мавжуд муаммоларга ўхшаш бўлган тўсиқларни ўтмишда одамлар қандай қилиб енгиб ўтганларини ўргана бориб ўтмишга саволлар билан мурожаат қиламиз, ўтмиш бизга жавоб қайтаради ва шу билан ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида доимий мулоқот бўлиб туради.

Маданият — жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётни таркибий қисми сифатида маданиятни жамиятда тутган ўрни, жамиятнинг мазмунига ва таҳлил қилинаётган ижтимоий борлиқнинг хусусиятларига боғлиқдир. Ижтимоий жараён, кишиларнинг хатти-ҳаракати, яъни социал фаолияти маданий идеалларини, қадриятларни, нормаларни қарор топтирилиши ёки барҳам берилишида восита вазифасини, шунингдек кишиларнинг ихтимоий ва шахсий муносабатларининг шахслараро ва гуруҳлараро алоқалари шакли вазифасини ҳам бажаради.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий ва функционал жабҳаларида ифодаланади. Шу жиҳатдан жамият маданиятни вужудга келтиради. Жамиятда вужудга келган маданият қанчалик мураккаблашиб бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири мукаммаллашиб ва нисбий мустақиллиги кучайиб боради.

Масалан, Антик жамият аллақачон ўтмиш, тарихга айланган бўлса-да, унинг маданияти ҳозирги кунда ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда ёки биз бу давр маданиятини жамиятнинг маҳсули, фаолият услуби сифатида қаралса-да, ҳар бир жамиятни у ёки бу конкрет маданиятнинг шаклланиш манбаи тарзида ҳам қараш мумкин.

Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки ички ва ташқи томонлари жиҳатидан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий муҳитда яшайди ва фаолият кўрсатади.

Қомусий олим Абу Наср Форобий “Бахт саодатга эришув ҳақида” рисоласида инсон камолотида жамоанинг роли катта эканлигини таъкидлаб шундай дейди: “Камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одамзод жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ва мажбурдирлар”. Унинг фикрича, инсон ўз-ўзидан бахтли ҳам бўлолмайди, камолотга ҳам эришолмайди. “Бу нарса унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-хунар эгаллашига, билимига ва фозил жамиятда яшашига боғлиқ”, дейди. “Давлатнинг вазифаси инсонларнинг бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади”. Форобий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади. Форобий жамият ўз ривожига етукликка томон интилиш, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади¹.

Шахснинг маданият билан ўзаро муносабати ҳеч қачон тўлиқ ва уйғун бўла олмайди. Ижтимоий ва индивидуал ҳаёт, шунингдек маданият стихияси

¹ ἡ ἀνθρώπου βελτίωσις- Ὁ., 1999 , 68-ἀὰς.

бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доимо инсон билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва усиз яшай олмайди. Лекин воқеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида у ўз ривожланиши қонунларида ва борлиққа нисбатан мустақилдир. У маданий меросни ўзида мужассамлаштирган конкрет социал гуруҳларнинг маънавий ҳаётига нисбатан байроқ ва чуқурроқдир. Маданият доимо қадриятларнинг энг йирик захираси, тажрибалар ҳазинаси бўлиб қолади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Юқорида айтиб ўтканимиздек, индивид билан маданият ўртасидаги муносабат мураккаб жараён ҳисобланади. Индивидни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон берувчи психосоциал ва маданий дунёқараши ижобий ва салбий қарашларнинг йиғиндисидан ташқил топади. Инсонга ишчанлик, фидойилик, матонат, ўткир зеҳн билан бирга калтафаҳмлиқ, ялқовлик, шафқатсизлик, ўз манфаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқий қадриятларни соҳтасидан ажрата билмаслик иллатлари ҳам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафақат қадрлаш ва сақлаш, балки танқидий ўрганиш талаб этилади.

Қайд этилган сабаблари таъсирида муайян ишлаб чиқариш усули ҳукмронлиги шароитидан тарихан таркиб топган ижтимоий ва маданий муҳитда жамият билан индивид ўртасида нисбатан ўзгарувчан мувозанат бўлади. Бу мувозанатни ҳосил бўлишида маданиятнинг иштироки салмоқлидир. Маданият шахсга таъсир этади ва унинг психологик ҳолатини шакллантиради, шахснинг характерида ва дунёни билишида муқим ўрнашиб қолади.

Шахс маданият билан қуйидаги соҳалар билан муносабатда бўлади:

Биринчидан, маданият таъсир этиш объекти сифатида уни ўзлаштиради;

Иккинчидан, маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчи сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади;

Учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, унинг шахс ҳаётида тутган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларига хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, табиат стихияли қонуниятлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёси, ички “табиати”ни шакллантириш мақсадли, йўналтирилган асосда, ташқил этилиши мумкин, бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи муҳим воситалардан бири бўлади.

Маданият тушунчаси қўлланиш жиҳатидан хилма-хил бўлгани каби, кундалик ҳаётда (оддий онг) ва фанда ҳам турли мазмун касб этади. Биз “муомала маданияти”, “меҳнат маданияти”, “ҳатти-ҳаракат маданияти” каби иборалардан фойдаланамиз ва уларга кўникиб қолганмиз.

Маданиятни илмий тушуниш оддий онгдан қуйидагиларга кўра фарқ қилади.

Биринчидан, у жуда кенг бўлиб, кишилар фаолиятининг барча услубларини, ижтимоий ҳаётнинг барча шаклларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, кундалик ҳаётда ҳиссий безаб кўрсатилган ва қиммат жиҳатларга урғу берилган тасаввурлардан фарқ қилиб, фанда тавсифий таъриф бериш билан чекланади.

Оддий онгда маданиятни тушунишнинг хусусияти бевосита унда амалий иштирок этилишига боғлиқлигидадир. Маданий воқеликларга инсон бефарқ муносабатда бўла олмайди. Унинг қадриятларга муносабати ва ҳиссий эмоционал тасаввурлари болалик даврида тўплаган тажрибасидан бошланади ва кишининг жамиятда тутган ўрнига, ёшига, мавқеига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан у ўзига бегона бўлган урф-одатлар ва ҳатти-ҳаракатларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

Ю.М.Лотманнинг фикрича, бир қатор қоидалар, чеклашлар сифатида намоён бўлувчи ташқилий вазият маданиятини белгиловчи хусусияти ҳисобланади. К.Леви-Строснинг фикрига кўра “қаерда қоида бўлса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли бўлади ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари

билан белгиланувчи сифатлар маданият соҳасига тегишли бўлиб ўзида нисбийлик ва хусусийликни мужассамлаштиради”¹.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаётини ҳам қайта қуриш талаб этилади. “Маънавият йўқ жойда – деган эди Президент И.А.Каримов – ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”.

1.2. Қўлдан келтирилган ҳолатдаги ўзбекистонда маънавият масалалари

Минг йилликлар давомида ўзбек миллий давлатчилиқ тарихи шундан далолат берадики, азалдан юртимиз ҳудудида маънавият ва маърифат масалалари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, аجدодларининг бундай оқилона тутган йўлларини такомиллаштирган ҳолда Ўзбекистонда маданий тараққиёт масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасини мустақил деб эълон қилишдаги сўзлаган нутқида Президент И.Каримов Ўзбекистонда ислохотлар асосан уч соҳага бўлиб олиб борилишини таъкидлаб ўтди. Булар:

- сиёсий ислохотлар;
- иқтисодий ислохотлар;
- маънавий ислохотлар.

Бундан кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти шароитида маънавият соҳасига устувор давлат сиёсати даражасида эътибор бериб келинмоқда. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб истиқлолини тасаввур эта олмайди»¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ маънавият ва маърифатнинг ижтимоий мақсади аниқлаб олинди ҳамда унинг бажарилиши лозим бўлган вазифалари

¹ Ёшларнинг ўқув-тарбиясида маънавий қадриятларни ривожлантириш. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 1997 йил 7 июль.

¹ Ёшларнинг ўқув-тарбиясида маънавий қадриятларни ривожлантириш. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 1998 йил 125-сон.

белгиланди. Мамлакатимизда ушбу жабҳадаги ислоҳотларнинг илк кўриниши аввало халқимизни маънавий боқимандалик, маънавий-маданий соҳадаги қарамликдан озод бўлишида намоён бўлди. «Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига,-деган эди Юртбошимиз.- Уларни ҳал этиш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар-қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб уларга муносиб ворис бўлиш – бундан ортиқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда»¹.

Дарҳақиқат, шундай. Биз буни тарих зарварақларидан ҳам кўришимиз мумкин. Зотан, Шарқда қадимдан маънавий баркамоллик қадрият даражасида улуғланган. Кишиларнинг дини, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар инсонни инсонлиги учун кадрлаш, инсон аталмиш муқаддас номга лойиқ бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Агар жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, тараққиёт асослари унинг маънавий қадриятларига, моддий манфаатларига мос келмаса бундай жамият таназзулга учраши шубҳасиз. Чунки фақатгина маънавий омилларгина жамиятда содир бўладиган барча муаммоларни ҳал этишга қодир поклантирувчи ботиний кучдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънавият соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш учун куйидаги амалга оширилиши лозим деб топилган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларини келтириб ўтишимиз мумкин:

-энг аввало собиқ иттифоқ тузумига хос бўлган сиёсий-мафкуравий яккаҳокимлиқдан халос бўлиш;

-маънавиятни шакллантиришнинг янги назарий асосларини ишлаб чиқиш;

-маданият ривожини белгилашга ёрдам берувчи ҳуқуқий асосларни яратишдир.

Шунингдек, Президентимиз И.Каримов халқ дунёқараши, яшаш тарзи, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, умуман, унинг маънавий – руҳий омилларига асосланган ҳолда Ўзбекистонни янада ривожлантиришни ўз

¹ Ёадеёа Ё.А. ;сааёёёё: ёёёёё ёёёёёё, ёёёёё, ёё,ёаё, ёаёёёа.1-Ё.-Ёёёёё, «;сааёёёё», 1996.- 202-ааё.

йўли тўртта негизга асосланишини кўрсатиб ўтди. Бу тамойиллар Президент И.Каримовни «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий- ахлоқий негизлари» деб аталган бобида ўз ифодасини топган. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;
- инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;
- ватанпарварлик¹ тамойилларидир.

Яна бир диққатга молик жиҳат шундаки, истиқлол даврида маънавиятни ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан, эски ақидалардан холилиги ошди, жамиятнинг маънавий покланишига хизмат қилувчи, янгича тафаккур тарзи ва тубдан ўзгарган қарашларга, миллий менталитет ва шарқона маданиятга асосланган миллий истиқлол мафкурасининг маънавият билан уйғунлиги таъминланди.

Маълумки, маънавиятни муайян бир авлод янгидан яратмайди. У асрлар давомида яратилган қадриятлар-моддий ва маънавий мероснинг ривожланиши натижасида такомиллашиб боради. Уни ўзлаштиришда эса инсонпарварлик, холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик, адолат нуқтаи назаридан ёндошиш лозим бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, бизнинг ўтмиш маданий-маънавий меросимиз иккита жиҳатни, яъни дунёвий илмларни ва диний – фалсафий тафаккур мезонларини ўзида мужассамлаштиради. Мустақиллик йилларида халқимиз ўз маданий меросини тўлиқ ўрганиш имкониятига эга бўлди. Давлатимиз томонидан тарихни ўрганиш, ўзликни англаш, маънавий меросга бўлган муносабатга бош масалалардан бири сифатида қаралди. Аждодларимиз қолдирган маънавий меросни тиклаш изчиллик билан олиб борилди. Жумладан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллик таваллудининг нишонланиши, ушбу китобнинг бизгача етиб келган қисмларини жамлаган ҳолда китоб ҳолида нашр этиб, кенг омма эътиборига

¹ Ёаёёйā Ё. «¡çáâêëñðííéíā ўç ёñðêêéíē āā òàðàққè,ò éçêè». - Òíðêáíò, «¡çáâêëñðíí», 1992. - 65-áâð.

ҳавола этилиши ёки йиллар давомида номи кескин қоралаб келинган Амир Темурдек тарихий сиймо – беназир зотнинг улуг номи тикланиши, буюк бобокалонимизнинг ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил 660 йиллиги дунё мамлакатларида, она диёримизда кенг нишонланилиши, шунингдек, Амир Темур шахсига бағишланган кўплаб илмий, илмий-оммабоп, бадий, санъат асарларининг яратилиши, халқаро анжуманлар ўтказилиши, унинг номи билан боғлиқ жамоат ташкилотларининг тузилиши, музейлар очилиши юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Истиқлол йилларида дунё фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирларнинг, Имом Исмоил Ал Бухорий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ /иждувоний, Абу Лайс Самарқандий, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Ал Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий, Хожа Аҳрор Валий каби ислом динининг етук уламоларининг бебаҳо дурдона асарлари кўп нусхада чоп этилиб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Алломаларимизнинг диний ва дунёвий қарашлари, илмий-ижодий фаолиятлари ўрганилиб, таваллуд топган кунлари кенг миқёсда нишонланди. Уларга ҳайкаллар, ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Ватан озодлиги йўлида курашган жадиждлар – маърифатпарвар сиймоларимизнинг номлари эъзозланди, асарлари ўрганилиб жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча юз йилларни ўз ичига олади. Халқимиз маданияти ҳам жаҳон маданиятидан бақамти, ёнма-ён юзага келган ва ривожланган биронта халқ маданияти, ўз мамлакати доирасидаги тор миллий биқикликда эмас, балки бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқадорликда, ўзаро боғлиқликда, ўзаро таъсир этиш ва акс этиш асосида ривожланади.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи маданияти фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсонийлик маданиятлари таъсири остида ҳам ўсди, ривожланди.

Марказий Осиё халқлари ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараққиётига узининг фаол таъсирини кўрсатди. Ўрта ер маданиятининг буюк номоёндалари Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Улугбек, Али Қўшчи, Козизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар таълимотлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўла олади.

Ўзбек халқи узининг 3 минг йиллик бой тарихи билан ҳар қанча фахрланса арзийди. У жаҳон фани ва маданиятини тараққиётига шу қадар кўп ҳисса қўшганки, буни дунё аллақачон тан олган. Мавороуннаҳр халқлари дунёга Абу Наср Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, бобур сингари алломаларни етиштириб берган. Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Термизий, Хўжа Аҳрор каби уламолар халқимиз ғуруридир.

Жаҳонгир Амир Темур барпо этган қудратли марказлашган давлат туркий миллатнинг бирлашиши ва жипслашишини таянчи бўлиб хизмат қилди, миллатнинг равнақ топишига, илмий туйғунинг уйғонишига ёрдам берди, унинг маданияти юксалишида мислсиз аҳамият касб этди. Бу даврда туркий халқлар тарихига доир Низомиддин Жомийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийни «Матлан саъдайн ва мажмои баҳрайн», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» каби машҳур асарлари ёзилди, Мирзо Улугбекнинг астрономия мактаби иш олиб борди ва «Зижи жадиди Қўрагоний»си дунёга келди.

Мустақиллик бизга маънавий мулкимизнинг, тарихимизни, улут боболаримиз руҳини шод этиш имкониятини қайтариб берди.

Истиколол туфайли ўтмиш тарихимизга муносабат ижобий томонга ўзгарди. Аллома боболаримиз меросларини Имом Ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубронинг инсонни маънавий етукликка чорловчи, ахлоқий ва фалсафий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Бугунги кунда авлод-аждодларимиз тарихи тикланаётганлиги мустақиллигимизнинг ажойиб самарасидир. Ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихига оид дарсликлар яратилмоқда. Халқимизнинг кечмиш тарихи ва ҳаётини ўзида мукаммал акс эттирган асарларининг ўз она тилимизда илк нашр этилаётганлиги қувончимизга қувонч қўшмоқда.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» китобларини зўр қизиқиш билан ўқидик. Абу Тоҳир ҳожа Самарқандийнинг қаламига мансуб бўлган «Самария», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажара»сини мутолаа қилиш имкониятига эга бўлганимиз сабабли халқимизнинг узок ўтмиш ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар, қизиқарли воқеалар, тарихий ҳақиқатни билиб олмоқдамиз.

Мустақиллик шарофати ила тикланиб қаддини ростлаётган, тўхтовсиз ривожланиб бораётган илмий маданиятимизнинг жамиятимиз тараққиётини тезлаштириш, маданият коллежи ўқувчиларини маънавий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, камол топтиришда аҳамияти бениҳоя катта.

1994 йил ЮНЕСКО қарорига биноан Париж, Истамбул, Карачида буюк олим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1991 йилда Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, 2001 йилда 560 йиллик юбилейининг нишонланиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Бундан ташқари юртимизда халқ қаҳрамонлари бўлган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг кўламда тантана қилинди.

Миллий истиклолни қўлга киритганимиздан кейин динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштиришга алоҳида аҳамият берила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, бизнинг юртимизда дин давлатдан ажратилган. Бирок ҳукуматимиз мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамият билан ҳамиша бирга эканлигини ҳисобга олган ҳолда бу масалага ғоят эҳтиёткорлик билан оқилона ёндашиш лозимлигини англаб етди. Шунинг учун ҳам бизнинг кўп миллатли Ватанимизда ҳеч бир дин вақилларининг эътиқодларини камситмаган ҳолда диний соҳада ҳам талай ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, Президентнинг «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиши тўғрисида»ги (1990, 2 июнь), «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича комитет ташқил қилиш тўғрисида» ги (1992, 7 март), «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» ги (1992, 27 март) фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида» ги (1998) қонуни юртимизда маънавий ислохотларда диннинг ўрнини яққол намоён этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 14 та мадраса, Тошкент шаҳрида Тошкент Ислом Университети, 400 га яқин диний мусулмон ўқув муассасалари, Халқаро Ислом тадқиқот маркази ҳамда бошқа динларга тегишли 19 та ўқув юрти ишлаб турибди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори қошида диний – маъмурий марказ ташқил этиш ва 1996 йилнинг ноябрь ойида Епархиянинг 125 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги мурожаатини қўллаб - қувватлади ва бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги табиий-иқтисодий қийинчиликларга, бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтишдаги ўтиш даври хусусиятларига қарамасдан, маданият

муассасаларини сақлаб қолиш, уларнинг тижоратлашуви хавфининг олдини олиш, санъат, маданият, таълим муассасалари, маданий-маърифий ташкилотлар тармоғини кенгайтириш бўйича ҳам қатор амалий ишлар қилинди.

Маънавий соҳадаги ислохотлар бир жиҳатдан собиқ шўро тузуми даврининг эски бошқарув тизимини янгилаган бўлса, бошқа жиҳати билан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда мўътадиллашувнинг юзага келишига кўмак берди.

Халқимизнинг азалий урф-одатларидан бири бўлган «Наврўз» нинг тикланиши мамлакат маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу айёмнинг умумхалқ шодиёнасига айлантириш йўлида ҳам талай ишлар амалга оширилди. 1991 йилдан бошлаб 21-март «Наврўз» куни дам олиш куни дея эълон қилинди ва ўша вақтдан то ҳозирги кунгача «Наврўз» умумхалқ байрами сифатида мамлакат миқёсида тантана қилинмоқда.

Албатта, ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат маънавий – маърифий ҳаётида таълим тизимидаги ислохотлар энг муҳим бўлган жиҳатлардан биридир.

Табиийки, маърифатли жамият маърифатли кишилардан таркиб топади. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда: «Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини, умуминсоний кадриятларини, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини жамиятнинг истиқболидаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади»¹, дейилади.

Бинобарин, мамлакат таълим тизими, демократия тамойиллари билан йўғрилган, унинг инсонпарвар, халқпарвар жамият бунёд этишдек муҳим ахлоқий – маънавий, маърифий эҳтиёж талабларига жавоб бергандагина ўз келажагининг бунёдкорлари бўлган баркамол авлодни тарбиялай олади.

Маълумки, собиқ иттифоқ ҳукумати даврида юртимизда олиб борилган таълим тизими бошдан оёқ коммунистик мафкуранинг ҳаракатига асосланган

¹ «Oàùèè òŷğðèñèàà» Қўйóí. «Iàúðèðàò», 1992, 2 ёрè.

ғоялар билан ўраб ташланган эди. Истиқлолнинг кириб келиши халқимизни итоаткорликка даъват қилувчи, қарамликка етакловчи мафкуравий сиёсат алдовларидан қутқарди. 1992 йил 2 июлда Олий Кенгаш қарорига асосан қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Қонун Ўзбекистонда шўролар давлати ҳукмронлиги давридан кўчиб келаётган мафкуравий кучдан халос этди, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган таълим тизимини ишлаб чиқишда муҳим қадам бўлди. Аммо бу Қонуннинг ўзи халқимизга хос бўлган миллий кадриятлар, дунё андозаларига, ўтиш даврининг хусусиятларига етарли даражада тўлиқ жавоб бера олмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 август куни ўтказилган IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳрири ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» қабул қилинди. Шунингдек, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириш, миллий кадрлар тайёрлаш, порлоқ келажак учун комил инсонларни тарбиялаш мақсадида 1997 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Таълим – тарбия ва Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг энг илғор жиҳатларидан бири – унда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг баён этилиши бўлди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш»¹.

«Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади, -деган эди Президент И. Каримов, -юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади»².

Инсон яшар экан, умри давомида фақатгина моддий эҳтиёжларнинг қондирилиши билангина чекланиб қолмайди, унинг ҳаётини маънавий-маданий озуқа, инсоний қадриятларга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши муҳим ўрин тутди. Чунки бундай маънавий эҳтиёжлар инсон ҳаётининг барча босқичларида, жамият аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий мақсадларининг давлат ва жамият манфаатлари даражасида юксалишида асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Маънавият инсон билан яшайди, инсон маънавият билан улуғланади. Бир миллатнинг маънавий бойлиги уни бошқа миллатлардан ўзига хослиги билан ажратиб туради. Ҳар бир халқ ўз маънавиятига эга. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз», - деган эди. Бироқ мустабидлик йилларида халқимиз миллий маданиятининг кўп қисми топталди, миллатнинг миллий-тарихий маданий мероси катта зарар кўрди. Истиқлол йилларига келиб ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида содир бўлган ўзгаришлар, янгиланишлар маданий ҳаётда ҳам намоён бўлди. Ҳатто, айтиш мумкинки, ўзбек миллий маданий ҳаёти уйғонди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000-йил 17-сентябрдаги қарори, 170-171-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996-йил 15-сентябрдаги қарори, 15-модда.

Буни биз театр санъатининг жадал ривожларишида ёхуд мусиқа санъатининг раванқ топиб бораётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Юртимизда бу санъат соҳаларига атаб алоҳида санъат даргоҳлари, гўзал кошоналар бунёд этилди, уларнинг янада гуллаб – яшнаши, жаҳон бўйлаб танилиши учун халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар ташкил қилиб бориш анъанага айлантирилди. Бу ишларга масъул сифатида «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси, «Ўзбекнаво» гастроль – концерт бирлашмаси, «Ўзбек рақс» бирлашмаси ташкил этилди. Бундан ташқари кино санъати, телевидение ва радио, бадиий адабиёт ҳамда музейлар, анъанавий халқ маросимларига бағишланган бадиий-оммавий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони музейлар ишида кескин бурилиш ясади. Унга биноан Маданият ишлари вазирлиги қошида ташкил топган «Ўзбекмузей» жамғармаси барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга керакли бўлган илмий – услубий кўмак беришни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони музейлар ишида кескин бурилиш ясади. Унга биноан Маданият ишлари вазирлиги қошида ташкил топган «Ўзбекмузей» жамғармаси барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга керакли бўлган илмий – услубий кўмак беришни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Шундай экан комил инсон тушунчаси нимани англатади?

Комил инсон тушунчаси ўрта асрларда ишлаб чиқилган бўлиб, мусулмон Шарқида асосан исломий нуқтаи назардан таърифлаб келинган. Аслида «Комил инсон» тушунчасининг дунёвий мазмуни борлигини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Унинг фалсафий соний қадрият сифатида асрлар давомида сайқал топиб ривожланиб келмокда.

«Комил инсон» тасаввуф аҳли фикрини ҳам мунозараларга сабаб бўлган. Шулардан Ибн ал-Арабий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Саййид Абдулқодир Гелоний, Азизиддин Насафийларнинг фикрларини тилга олиб ўтиш мумкин. Ибн ал-Арабий наздида комил инсонни оллоҳ илоҳий нурдан яратган. Ислом илмининг билимдонлари кўрсатишича, илоҳий нур барча мавжудодлардан, ҳатто ер ва осмондан ҳам аввал яратилгандир.

Арабийнинг фикрига караганда, тангри таоло илоҳий нурдан ақли авомни яратди ва унинг суврат-у шаклини «комил инсон» қиёфасида зухур этди. Шу маънода оллоҳ одамни раҳмон суратида яратди, деган ҳадис мавжуд.

Ибн Арабийнинг таъкидлашига кўра, комил инсоннинг ердаги тимсоли ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоху алайҳи Вассалламдир. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб, «комил инсон деб шариат-тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар», дейди. Бошқача айтганда комил инсон шундайки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф.

Демак, олим наздида, комил инсон, биринчидан, реал одам, у яхши сифатларни эгаллаш орқали комиллашади. Иккинчидан, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга киритилади. Комил инсон халққа яхшилик келтиради, кишилар мушкулини осон қилади, оламни эса бало-кулфатлардан сақлайди. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ.

Тасаввуф аҳли комил инсон, бир томондан илоҳий амир, гойиби асрорни оддий одамларга етказувчи улуғ зотдир. Иккинчидан, пайғамбардан бошқа зотларга комил инсон истилоҳи шартли равишда, ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қўлланилади.

Тасаввуф аҳли айтадики, инсонга эркин фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб комилликка эришуви мумкин. Азизиддин Насафий камолотнинг икки белгиси бор, деб таъкидлайди: биринчиси – яхши ахлоқ,

иккинчиси эса, ўз-ўзини таниш. Комил инсон яхши ахлоқли, ўз-ўзини таниган инсондир.

Биз юқорида комил инсон ғояси шариат ва тасаввуф аҳли билдирган баъзи тафсилотларни баён этдик. Энди комил инсон тушунчасининг илмий-фалсафий жиҳатдан тавсифлашнинг баъзи жиҳатларини қараб чиқайлик.

Ҳозирги замон одамлари яшаётган ижтимоий муҳитда асосан икки йуналишдаги – илмий-фалсафий ва диний-мистик дунё қараш мавжудлиги ўз-уздан аён. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг асосий қомуси – Конституцияда дунёвий давлат қуриш назарда тутилганлиги учун боғча, мактаб, олий ўқув юртлари ва бошқа муассасалардаги таълим-тарбия тизимижараёнида илмий фалсафий дунёқараш шакллантиради.

Комил инсон масаласини ҳам илмий-фалсафий мазмунда тушуниш, таълим-тарбия ишини ҳам шу асосда қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, бу соҳадаги ҳам назарий, ҳам амалий иш комил инсон ҳақидаги барча ижобий фикрлар ва қарашларнинг энг фойдали томонларидан, шу жумладан ислом қадриятларидан ҳам фойдаланишга асосланади.

Комил инсон тўғрисидаги назария ва услубиёт метадологик жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Таълим тўғрисида Қонун» да, кадрлар таъйёрлаш миллий Дастурида ва бошқа ҳужжатларда ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Шуларга мувофиқ таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилган.

Маънавияти бой инсонгина комил инсон бўла олади. Юксак ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган, чуқур ва замонавий билимга, кенг илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон комил бўлади.

Юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган комил инсон: нафс хуружини, лаззатларга бўлган мойиллик ожизлигини енга оладиган зотдир; одамни комил инсон ва мукаррам инсон мартабасига унинг маънавиятини юксалтириш демакдир.

Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари бўлганлиги ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан сахий, танбалга нисбатан сергайрат, кўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов вазифасини ҳам ўтаган.

Буюк алломаларимиз қайд этганлари каби инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат бўлоғидан суғоришнинг йўли шахснинг маънавият, маърифатга ошуфталигидадир.

Бу йўлда мамлакатимизда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Маънавият- маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Муҳими, ушбу ҳақиқатнинг расман эълон қилинганида эмас. Муҳими бу нарсанинг фуқароларимиз томонидан эътироф этиб, тан олинганидадир.

Маданиятнинг мақсади, ижтимоий функциялари ўзгарди. Агар аввал маданият давлатнинг, ҳукмрон сиёсий мафкуранинг империячилик мақсадларини амалга оширишнинг воситаси саналган бўлса, энди у инсонни мукамаллигини таъминловчи, миллатни бирлаштирувчи, уюштирувчи, ягона миллий манфаатга хизмат қилувчи ҳодисага айланди.

Натижада маънавий-маърифий соҳада фуқароларимиз орзу қилган кунларга етдик. Миллий-маданий, тарихий меросимизни ўзимизга қайтариш имконига эга бўлдик. Миллатнинг мавжудлиги унинг маданиятида акс этиши тўғрисидаги ҳақиқат том маънода қарор топа бошлади. Миллий маданиятимизнинг тиклана бошлаши бизни жаҳон майдонидаги ўрнимизни белгилашга кўмак бера бошлади. Ушбу ижобий жараёнлар силсиласида юртбошимиз томонидан эълон қилинган **“Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009- 2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора- тадбирлари тўғрисида”** ги фармойишини алоҳида таъкидлаш лозим. Таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки, бу ҳужжат жамиятни янада маърифатпарварлаштириш, инсоният фазилатларга устувор тавсиф бериш, инсон қалбида эзгулик, яхшилик, адолат тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жиддий кадамдир.

Шу билан бирга дунё тобора глобаллашиб бораётган, барча соҳаларда интеграция жараёнлари авж олаётган ҳозирги даврда жамиятимиз айрим фуқароларида, айниқса ёшлар онгида кучли тафаккурий ўзгаришлар содир этиш ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Айрим ёшларимизда эгоизм, худбинлик, жамият манфаатларига беписандлик каби иллатларнинг мавжудлиги. Бунда ғарбнинг таъсири кучайиб бораётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим, деб ўйлаймиз.

Бундай мураккаб шароитда ёшлар айниқса, маданият коллежи ўқувчилари ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларимиз самарадорлигини оширишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ. Бунинг учун энг аввало ёшларимиздан ўз маънавий қиёфасини бойитишга имкон берадиган соғлом эҳтиёжни шакллантириш ўта зарурдир.

Ўқувчиларимизнинг ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликларини, ҳар қандай муаммоларини ҳал қилишда ёшларимизнинг ўз қўли билан ҳал қилишига имкон берадиган соғлом эҳтиёжни шакллантириш ўта зарурдир.

Баркамол инсон тарбияси алоҳида олинган, аниқ бир шахс тарбияси туфайли содир бўлади. Тарбияда аниқлик зарур. Агар биз тарбияланувчининг қалбини поклай олсак, унга инсонни севиш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш уруғларини сепа олсак, шубҳасиз, биз жамиятнинг соғлом маънавий қиёфасини яратган бўламиз, зеро Шарқда доимо моддий оламдан руҳ оламига кўтарилиш, қалбни тозалаш инсоннинг комиллик сари ташлаган қадами сифатида баҳоланган.

II БОБ. МАДАНИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, УНИНГ МАЪНАВИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Маданиятнинг асосий таркибий қисмлари

Маданиятнинг моҳияти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни масаласини тўғри тушуниш учун унинг таркибий қисмларини қараб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий маданият –Маданият коллежи ўқувчиларининг ларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий фаолияти ва сиёсий ҳаётда қатнашиш малакасини ўзлаштиришни, қатнашиш даражасини ифодалайди. Сиёсий маданият сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади. Сиёсий маданият-бу кенг маънода фуқароларнинг сиёсий билимлари, хатти-ҳаракатларининг даражасини ўз ичига олади. Тор маънода сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифати даражасини белгилаб беради. Қадимги сиёсий қарашлар асосчиси Арасту табири билан айтганда, инсон-бу сиёсий мавжудотдир.

Иқтисодий маданият-Иқтисодий маданият дейилганда кишиларнинг иқтисодий билимлари, эътиқодлари ва амалий фаолиятлар бирлиги тушунилади.

Иқтисодий маданият таркибан ўз ичига иқтисодий онг, иқтисодий фаолият ва иқтисодий муносабатларни олади.

Меҳнат маданияти-Ҳар бир цивилизация, ҳар бир тарихий давр ўзига хос меҳнат маданиятини яратган. Меҳнат маданияти, бу-кишиларнинг табиатга бўлган онгли муносабатлари ва уларнинг бир-бирлари билан бўладиган инсоний муносабатлари маданиятидир.

Ахлоқий маданият-Ахлоқ ий маданият жамият аъзоларининг ахлоқ ий фазилатлари, инсонпарварлик урф-одатларидир. Шу билан бирга ахлоқ ий маданият жамиятнинг кўпчилигига хос бўлган инсоний ахлоқ ий тушунчалар, қарашлар, хиссиётлар, ахлоқ -одоб қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳукукий маданият- «У қонунларга бўйсунуш ва уларга амал қилиш маданиятидир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳукукий маданият дегани-турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»¹.

Эстетик маданият-Эстетик фаолият билан боғланган муносабатлар ва қадриятлар тизимини ифода этади. Инсонни теварак атрофини ўраб олган воқеликка муносабатида ўз-ўзини эркин намон этиш масаласи эстетик маданият соҳасини ташқил этади.

Педогогик маданият- Шахснинг таълим ва тарбияга оид қараш, тажриба ва муносабатлари йиғиндиси педогогик маданият дейилади. Педогогик тажриба-шахснинг таълим-тарбияга оид кўникма ва малакалари тизимидир.

Нутқ маданияти-кишилар маданиятли бўлишлари учун нутқ маданиятини эгаллашлари керак. Нутқ маданиятига эришишнинг биргина шарти тинглашдир. Нутқ маданиятига эришишнинг иккинчи шарти-оғзига келган ҳар қандай сўзни ўйламай гапирмасликдир.

Маданият ва цивилизация. Цивилизация моддий маданиятнинг синоними, табиат кучлари устидан инсон эгалик қилишининг юксак даражаси сифатида ўзида техникавий прогресснинг улкан кучини ифода этади ва кўпроқ моддий бойликлар ишлаб чиқаришга даъват этади. Қадриятлар қандай маънода қўлланилиши ва фойдаланишига қараб, чунончи, кўруқ ерларни ўзлаштиришга ёки оммавий қирғин қуролларини яратишга, техникавий ютуқ ва мувофақиятлар маданий аҳамият касб этиши мумкин.

Цивилизация-Инсон томонидан ўзига тегишли бўлмаган моддий объектларни қайта ўзгартиришни билдиради.

Маданият эса-Инсоннинг ички фазилати, маънавияти, эркинлиги ёки тушкунлиги, ташқи оламга батамом боғлиқлиги ёки маънавий мустақиллигига бериладиган баҳодир.

¹ Ёаёёёё И.А. «Аòàì ñàæààîõ èàæè óçààààñàèð». Ò. 3. – Ò.: ¿çáæèèñòí, 1996. 189 –áàð.

Цивилизация (лот. «фуқаролик») жамиятнинг ҳамма даврларида бўлмаган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми даврида цивилизация бўлмаган. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимооти, шаҳарнинг қишлоқдан, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши, товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши давлатнинг келиб чиқиши, ёзувнинг яратилиши, оила шаклларида юз берган ўзгаришлар цивилизацияни вужудга келиш сабаблари ҳисобланади. Олимлардан Н.Я. Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби, Л.Уайт, У.Огборийлар цивилизация ва маданият ҳақида ўз тенденцияларини яратиб, таклифларини илгари сурдилар.

Немис файласуфи Освальд Шпенглер (1880-1936) цивилизацияни маданиятнинг тушкунликка учраш босқичи, жамиятнинг кексайиши деб баҳолаган эди.

Маданият ва цивилизация ҳақида қуйидаги хулосага келиш мумкин: Цивилизация ижтимоий-маданий тушунча, яъни у ижтимоий-маданий йўл билан вужудга келган ҳодиса Цивилизация-маданиятнинг ижтимоий борлиғи, яъни маданий тараққиёт натижасида эришилган ютуқларнинг предметлашган кўринишидир.

Маданиятнинг шахс ва жамиятдаги ўрни- маданиятнинг субъекти, яъни, унинг яратувчиси, ижодкор ҳам, истеъмол қилувчи ҳам инсондир.

Ҳар қандай жамият маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсонни қаерда яшаши ва ҳаракат қилишини, дунёдаги, жамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради.

Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлиб, маданият коллежи ўқувчиларининг маданияти жамият маданиятини белгилайди ва маданият коллежи ўқувчиларининг маданияти ҳам ўз навбатида муайян бир жамият маданиятида шаклланади. Ҳар бир жамият маданият коллежи ўқувчиларининг кадриятларини белгилайди ва маданият коллежи ўқувчиларининг нинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Жамият билан шахснинг ўзаро муносабати, шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний қадриятлар ҳақидаги муаммо барча тарихий даврлардаги муҳим масала ҳисобланган.

Инсон табиатнинг олий маҳсули бўлиб, унинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси билан белгиланади. Инсон айна пайтда ҳам тарихий тараққиётнинг маҳсули, ҳам унинг субъектидир. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради, дунёқарашини шакллантиради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида фақат нарсалар яратиб қолмай, ўзини ўз шахсиятини ҳам қайта яратади. Бу жараёнда инсон ўзини такрор ижод қилади ва шу жиҳатдан у ижтимоий мавжудотдир.

Шахсни жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмаганидек, жамият тараққиёти ҳам инсоннинг амал фаолияти билан узвий боғлиқдир. Жамият билан шахс ўртасидаги муносабат бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс турмушининг турли-туман кўринишлари, хусусиятлари шаклланади. Шахснинг шаклланишида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ҳар бир шахсда у мансуб бўлган жамоага, миллатга, элатга, жамиятга хос жами хусусиятлар ва белгилар бўлади. Шахс ўз ҳаётининг бутун мазмунини жамиятдан, кишилар жамоасидан олади. Ҳар қандай шах объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг узвий бирлиги таъсири остида шаклланади. Маданият коллежи ўқувчиларининг камолотида объектив шарт-шароитлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Оила, ўқув даргоҳлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, матбуот, маҳалла, кўча сингари омиллар ҳам шахсни тарбиялашда муҳимдир. Объектив шарт-шароитларнинг шахсга таъсири субъектив омиллар орқали ўтади.

Шахс ижтимоий мавжудот сифатида муайян эркинликка ҳам эгадир. Унинг эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузилишига, мулкый муносабатлари ҳам боғлиқдир. Эркинлик ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқидир. Шахснинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликларни чегаралаб қўйиш, паймол

қилиш; миллий, диний камситишлар; ирқчилик; халқларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларига беписанд қараш, уларнинг ҳуқуқий ва манафаатларини камситишдир.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умуминсонийт олдидаги бурчи ва маъсулияти ҳам бор. Инсон ўзи яшаб турган жамиятнинг қоун-қоидалари, тартиблари, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслик, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш асло мумкин эмас.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ манфаатларига тўла тааллуқли бўлган бурчлар ва маъсулиятлари ҳам бўлади. бўлар табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини кўриқлаш, маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, бошқа халқлар ва мамлакатлар билан дўстлик, тинчликни сақлаш сингарилардир.

Барча маданиятли жамиятнинг хусусиятини, унинг мезон ва мазмунини зиёлилар белгилайди. Зиёлилик бу нафақат кенг билимга эга бўлишни, балки ташаббускорликни, жавобгарликни, ахлоқий-эстетик журъатни ва туғма истеъдодни билдиради.

Маданият коллежи ўқувчиларининг комилликка эришувини таъминлашда жамиятдаги меҳнат маданиятини ривожлантириш, кишиларнинг сиёсий онглилигини ошириш, ахлоқий ва эстетик нафосатини тарбиялашда маданиятнинг таркибий қисмлари, соҳалари катта вазифани бажаради. Шахсни социал жиҳатдан фарқланишига кўра инсоннинг меҳнат маданияти, муносабат маданияти, ахлоқ маданияти, бадий-тафаккур маданияти, дунёқараши руҳни олами ҳақида гапириш мумкин. Маданият ижтимоий тузилма сифатида илмий билимларни, тафаккурни, урф-одат ва анъаналарни қамраб олади.

Шахс маданият нинг шаклланишида жамият маданиятининг қуйидаги тизимлари аҳамиятлидир:

Сиёсий маданият-кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий-ҳуқуқий ғоялар мажмуи бўлиб, маънавий

қадриятларнинг махсус тизимини ташқил қилади. Бу маданият тарихий тараққиёт босқичларида жамиятнинг ижтимоий табақалари манфаатлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келиб, жамият сиёсий фаолиятига узвий боғлиқ. Сиёсий маданият, сиёсий фаолият сифатида, яъни инсонлар фаолиятидаги табиатни қайта яратиш ва ўзларини тарбиялаш жараёнларини қамраб олиб, “сиёсий ишлаб чиқаришни” акс эттиради.

Сиёсий маданиятнинг мавжудлик усули: жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги; амалий сиёсий маданиятдан иборатдир. Жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги-давлат бошқарувининг тарихий тажрибаси, сиёсий фаолит воситалари, усуллари, сиёсий билимлар мажмуидир. Амалий сиёсий маданият эса-жамият, гуруҳ, шахснинг сиёсий ҳаётидаги мавжуд маданиятдир.

Иқтисодий маданият-тушунчасида иқтисодий билимлар фикрлар услуби билан фаол ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик омиллари намоён бўлади. Иқтисодий маданият мазмунида маданият ва иқтисоднинг ўзаро таъсир хусусиятлари мавжуд бўлиб, таркибига иқтисодий онг, иқтисодий фаолият, иқтисодий муносабатлар киради.

Ахлоқий маданият-жамият, социум, индивидлар томонидан ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражасидир. кундалик турмушда, кишилар фаолиятида амал қиладиган ва ўзлаштирадиган ахлоқий қадриятлар ахлоқий камолот меъёрлари билан боғлиқдир. Ахлоқий маданият таркибига ахлоқий онг, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолият киради.

Ахлоқий онг тарихи ўзгарувчи ахлоқий муносабатларни англаб, ахлоқийликнинг субъектив жиҳатидир. Воқеликка ва инсон фаолиятига қадрият тарафидан муносабатда бўлиш ахлоқий онгнинг муҳим хусусиятидир.

Эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳаси-бу, инсоннинг теvarак атрофини ўраб олган воқеликка нисбатан бўладиган муносабатида ўзини эркин намоён этишдир. Бу эркинликнинг

моҳияти шундаки, инсон предметга, унинг жинси ва турига мос меъёрни топиб гавдалантиради, уни қайта ишлайди.

Эстетик маданият жамият маданиятининг ихтисослаштирилган қисми бўлиб, унинг ҳолатини санъат ва эстетик муносабатлар ривожланиши билан боғлаб тушунириш мумкин.

2.2. Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавий-интеллектуал камолотида ахлоқий маданиятлик омиллари

Жамиятимизда ўзига хос маданий муҳит мавжуд. Бу муҳит фуқароларимизнинг ахлоқий маданиятида эҳтиёж даражасида бўлишини таъминламоқда. Айни пайтда, жамиятимизда ахлоқий маданиятликни юксалтириб боришга эҳтиёж бор.

Ахлоқий маданият шахс табиатини, характери ва хулқ-атворини тўғри шакллантиришни тақозо этади. Бу жараёнда, айниқса, маданият ва санъат воситаларининг ўрни катта. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қайд этганидек, маданият ва санъат соҳаси юксак ахлоқийлик тамойилларини тарғиб қилиши керак. Бозор иқтисодиёти ва демократик жамият шароитида “оммавий маданият” ниқоби остида маънавий ва тубанлик иллатлари тарғиб этилаётгани ҳам сир эмас. Бу иллатлар орасида худбинлик, беҳаёлик ва эгоцентризм ғоялари устуворлик қилмоқда. Натижада фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ахлоқий маданиятида муаммолар пайдо бўлмоқда.

Жамиятимизда ахлоқий маданиятлик юксак баҳоланади. Олимларнинг кузатишича, кўпчилик оилада ўзини ахлоқий меъёрларига мос тутади. Ҳақиқатан ҳам биз оилада ўзимизни ахлоқли киши сифатида намоён қиламиз ва ҳатто, ТВ да намойиш этилаётган, кўрсатилаётган дастурларни ҳам танлаймиз. Муайян даража бу ҳолга маҳаллада ҳам риоя қиламиз. Чунки оила ва маҳаллада бизнинг хулқимиз ва хатти-ҳаракатимизни баҳоловчи кишилар бор. Аммо, жамоат жойларида, транспортда, ўқиш ва иш жойларида ахлоқ

меъёрларига у қадар риоя қилмаймиз. Айниқса ёшлар бундай жойларда негадир ўзини “эркин” сезиб қолишади. Аслида эса оила ва маҳалладаги хатти-ҳаракатларимиз ўзга жойларда ҳам шундай намоён бўлиши керак. Шу маънода биз энди жамоатчилик орасида ахлоқ меъёрларига риоя қилиш кўникмасини эгаллаб боришимиз керак.

Барча даврларда кузатилганидек, оила ва маҳалла муҳити бугун ҳам ахлоқий маданият ҳосил қилишимизда муҳим омил бўлади. Чунки аجدодларимиз бутун ҳаёти давомида бозор иқтисодиёти шароитида яшаб келган ва жамиятдаги ахлоқий муаммоларни оила ҳамда маҳалладаги муҳитга таяниб ҳал қилишган. Шу маънода ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти ва демократик қадриятлар ахлоқий маданиятимизга даҳл қилмаслиги лозим. Айниқса, бугунги эркинлик муҳити ахлоқий маданиятда идеал даражада бўлишимизга хизмат қилиши керак. Баъзида “оила ва маҳалла муҳитида консерватизм руҳи ҳукмрон” мазмунидаги фикрлар қулоққа чалиниб қолади. Аслида эса бу руҳ ижобий маънода бўлиб, у қатъий анъанавийликка асосланади ва шу сабабли ахлоқий маданиятимизни миллий ўзанда сақлаб қолмоқда. Қолаверса, консерватизм умидбахш ва инсоний анъаналар, ғоялар ва удумларни сақлаб қолишга асосланиши билан ҳам мутлоқ салбий тушунча эмас.

Ахлоқий маданиятликнинг иккинчи омили миллий қадриятларни ўзлаштиришдadir. Бизнинг миллий қадриятларимизда инсонпарварлик, адолатпарварлик, оилапарварлик, ватанпарварлик ва жамоапарварлик муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларимиз, жумладан, ёшларимизда бу қадриятларни ўзлаштириш ва уларга риоя қилиш руҳи муҳимроқ. Аммо, ҳаётнинг мураккаб ҳолатлари бу миллий қадриятларга риоя қилиш кўникмасига даҳл қилмаслиги керак. Бунинг учун фуқароларимизда ирода, виждон, эътиқод ва ор-номус туйғуларини эҳтиёж даражасида шаклланишига диққат қилиш муҳимдир. Мисол учун, иродалилиқ сифатини олайлик. Иродали инсон эртанги кунга ишонч ва умид билан қарайди, ҳаёт мураккабликларига сабрли-бардошли

бўлади. Шу маънода кишида иродани чиниқтириш билан мақсадга эришиш мумкин. Ўзбекча айтганда, иродали инсон учун оила, Ватан ва жамоа шаъни биринчи ўринда туради. Мана шу жиҳатлари билан ахлоқий маданиятликни миллий қадриятларни бирламчи билиш муҳим аҳамиятга эга.

Олимлар баъзан ахлоқий маданиятликни умуминсоний қадриятлар асосида роль ўйнашини таъкидлашади. Бу тўғри фикр. Бироқ бу ўринда муҳим бир масалага диққат қилиш керак. Гап шундаки, халқимизнинг миллий қадриятларида **умуминсонийлик руҳи** устувор. Мисол учун, таъкидлаб ўтилган инсонпарварлик, адолатпарварлик, оилапарварлик, ватанпарварлик ва жамоапарварлик миллий қадриятларимиз соф умуминсоний қадриятлардир, яъни бу тушунчалар бутун башарият учун зарурат ҳисобланади. Шуниси борки, бугунги Ғарб дунёсида таъкидланган оилапарварлик ва жамоапарварлик қадриятлари ўрнини шафқатсиз индивидуаллик эгаллаган. Демак, Ғарб дунёси ҳам умуминсоний қадриятлар борасида башариятга ибрат бўла олмайди. Шу сабабли ғарбликларнинг маданият ва санъатида чекланишлар мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди, уларга тақлид қилиш билан киши маданиятли бўлиб қолмаслиги бор ҳақиқат. Маълумки, миллий қадриятларимизни ўзлаштириш орқалигина умуминсоний қадриятларни эгаллаш мумкин. Бу ахлоқий маданиятликнинг муҳим мезонидир.

Ахлоқий маданиятликнинг учинчи омили - тарбиядир. Жамиятимизда тарбия тизими узвийлик ва узлуксизлик принципига асосан ташқил қилинган бўлиб, у шахснинг бутун ҳаёти мобайнида давом этади.

Айни пайтда, ахлоқий тарбияда **ибрат** тамойилига асосий эътиборни қаратиш муҳим масала бўлиб турибди. Биз ахлоқий тарбияда назарий тушунча бериш масаласида эмпирик тажрибага эгамиз, энди эса бу борада одамларимизни амалий воситалар билан қуроллантиришимиз лозим бўлади. Шу маънода Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг сўнгги бандида ахлоқ ва фаолиятда биз учун ибрат бўладиган кўп шахсларнинг номини қайд этиб ўтган. Бундан хулоса келиб чиқадики, ахлоқий

маданиятлилиқ борасида ҳам биз бир-биримизга ибрат бўлишимиз керак. Мисол учун, жамоат транспортида бир ёш йигит ёки қиз ёши катталарга жой берса, қолганлар ҳам шундай ҳаракатга тушиб қолиши кўп кузатилган. Демак, ахлоқий тарбияда ибрат кўрсатиш тамойилига диққат қилиш кутилган натижани бериши муқаррар.

Шундай қилиб ахлоқий маданиятлилиқ коллеж ўқувчилари фаолиятида муҳим ўрин тутди. Уни шакллантириш омиллари бизнинг ҳаётимизда ўзига хос хусусиятларга эга. Бунда муҳит, тушунча ва амалий жиҳатлар асосий роль ўйнайди. Шу маънода бошқа соҳалар қаторида маданият ва санъат соҳаси шахс ахлоқий маданиятини шакллантиришни муҳим вазифаларидан бири сифатида қабул қилиши керак.

“Маданий мерос” тушунчаси-маданиятнинг меъёрий ривожланиши, уни асраб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни билдиради. Бироқ, бу жараён оддий ва бир хилда кечмайди. Маънавий қадриятларнинг мундарижаси, уларни қайта кўриб ва қайта баҳолаш уларни ўзаро боғлиқлик усуллари, муносабат типлари, билимларни асраш ва узатиш, ҳаёт меъёрлари воқеликни эстетик идрок қилиш хусусияти ўзгармасдан қолмайди, улар узлуксиз ҳаракатда бўлади. Мерос серқирра ва кўп қиёфалидир. Унинг аниқ намоён бўлиши типларнинг кўплиги, тенденциялар хилма-хиллиги билан фарқланади. Ҳар бир янги авлоднинг ворислик механизми ўтмишдошларнинг тажрибасидан маданиятнинг турли соҳаларида фарқланади: санъатдаги ўлчам фандагидан бошқача; табиий фанлар гуманитар фанлардан фарқли. ворислк (мерос) ҳар қандай соҳада инсоннинг ҳақиқий ўзлаштиришида намоён бўлади ва айни пайтда маҳаллий ёки дунё миқёсидаги жараёнлар шаклида ҳам ифодаланиши мумкин

Маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса, маълум халқнинг маданий тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа соҳаларда эса техника, фан, санъат каби

соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкка айланади.

Кейинги авлодларга мерос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари қадимда амал қилади, бу - намоиш қилиш, оғзаки узатиш, фольклор, санъат; бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди, бу-кино тасвири, оҳанрабо ёзуви, компьютер хотираси. Барча жамиятда ҳам ҳақиқатдан маънавий мероснинг фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий -иқтисодий, сиёсий ғоявий омиллар билан белгилади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига боғлиқ. Маданий меросдан мутлақо маҳрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

2.3. Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавий-интеллектуал ривожланишида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш усуллари

Комил инсон ғояси- умумбашарий ғоя. Яъни, бу- жами одамзодга ҳос орзу. Лекин, уни амалга оширишда ҳар бир халқ ўзининг миллий хусусиятлари, анъана ва қадриятлардан келиб чиқади.

Шунинг учун ҳар бир халқнинг ўзи интиладиган комиллик тимсоллари бўлади. Сиз китоблардан ўқиган Алпомиш, Барчиной, Фарҳод, Ширин, Кенжа ботир каби қаҳрамонлар халқимизнинг ўз фарзандларини мард, паҳлавон, кўркмас, соғлом ва мукамал қилиб тарбиялаш йўлидаги орзуларини ифодалайди.

Шунингдек, халқ тақдирида муҳим ўрин тутадиган буюк зотлар ҳам мукамал фазилатлар тимсолига айланиб қолади. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур, Султон Жалолиддин Мангуберди, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби аجدодларимиз мардлик, ботирлик, раҳбарлик борасида, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Нажмиддин Кубро сингари азиз-авлиёларимиз, дину –диёнат

бобида Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бехзод, Огаҳий каби мутафаккирларимиз барчамиз учун комиллик тимсолига айланиб қолган.

Шу маънода, комиллик ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки халқ ва миллатларни ҳам юксак тараққиёт сари етаклаган, маънавият ва маърифатт бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг , миллатнинг келажаги йўқ.

Ҳар бир инсон учун ота-онаси, устозлари, ўз халқи, ўз давлатининг раҳбари комиллик тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун , бизнинг ҳар биримиз ўз ота-онамизни, устозларимизни, халқимизни ва мана шу халқимиз сайлаган Президентимизни дунёдаги энг азиз ва баркамол инсонлардек биламиз, улар билан фахрланамиз.

Комиллик мукаммаллик деганидир. Инсон мукаммал бўлиши учун озод ва ҳур бўлиши лозим. Чунки, озод ва ҳур инсонгина эркин ҳаракат қила олади. Ўзининг жисмоний ва маънавий салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш имконига эга бўлади.

Шунинг учун халқимизнинг комиллик йўлидаги интилишлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янгича маъно-мазмун касб этди, бу орзунини рўёбга чиқаришнинг реал имконияти туғилди. Бугунги кунда Ватанимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида қилинаётган кўпдан- кўп ишлар халқимиз бу йўлдаги интилишларни амалга оширишнинг аниқ режасига эга эканини кўрсатади.

Биз ўз юртимизда келажаги буюк давлат , эркин фуқаролик жамияти барпо этмоқчимиз. Бунинг маъноси-шундан иборатки, эркин фуқаролик жамиятида барча ишлар одамларнинг ташаббуси ва интилишлари орқали амалга оширлади. Бундай жамият фуқаролари юксак тафаккури ва маънавияти, ижтимоий фаоллиги билан олийжаноб фазилатлари билан ажарлиб туради. Яъни, бир сўз билан айтганда бундай жамият фуқаролари ҳар томонлама мукаммал бўлмоғи зарур. Шу маънода мамлакатимизда баркамол авлодни

вояга етказишга алоҳида аҳамият берилаётгани бизнинг эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги интилишларимизни ҳам ифода этади. Чунки, баркамол инсонлар яшайдиган жамият баркамол жамият бўлади.

Комилликнинг зидди ноқислик, яъни нуқсонлиликдир. Тўғри, ҳаммада ҳам камчилик бўлади. Халқимизнинг, ”беайб- парвардигор” деган ҳикматли гапи бекорга айтилмаган. Лекин, камчилигини тан олиб, уни тузатишга ҳаракат қиладиган одам —мукаммалликка интиладиган одамдир. Камчиликни тан олмай, мен шундоқ ҳам яхшиман, деб манманлик қиладиган одам эса ўз нуқсонларини янада оширади.

Ҳар бир инсон ёшлигидан орзулар билан яшайди. Халқига, Ватанига фойдаси тегадиган киши бўлиб етишишни ўйлайди. Бу айни пайтда, унинг кўнглида комил инсон бўлиш иштиёқи борлигидан далолат беради. Демак, кимки олдинга қараб интилса, юксак орзулар билан яшаса, у том маънода ўсиб, улғайиб, мукаммаллашиб, фазилатлари ортиб бораверади. Кимнингки, фазилатлари ортиб , яхшилигига яхшилик қўшилиб бораверса, унинг ўзи ҳам сезмаган ҳолда комилликка яқинлашади, мукаммаллашади.

Аксинча, кимки ҳеч нарсани орзу қилмаса, ўз ҳаёти билан мақтаниб, олдинга интилмаса, у ўсишдан, улғайишдан тўхтайдди. Бунинг натижасида унинг фазилатлари кўпайиш ўрнига нуқсонлари кўзга ташланиб қола бошлайди. Бу- унинг номукаммаллигидан, яъни қусурли ва нуқсонли одам эканлигидан далолат беради.

Буюклик одабийликда бўлгани каби , комиллик ҳам аввало инсоннинг камтарлик, меҳнатсеварлик, маърифатпарварлик, меҳр-оқибатлилик сингари оддий фазиларларда намоён бўлади.

Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, халқимиз тафаккурида янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган бу ғоя Абу Наср Форобий, Алишер Навоий каби донишманд боболаримиз асарларида теран ифода этилган.

Комиллик одамзоднинг азалий орзуси бўлиб, уни амалга ошириш учун муайян ижтимоий шарт-шароит зарур. Мамлакатимиз мустақилликка

эришгандан сўнг биз шундай имкониятга эга бўлдик. Халқимизнинг буюк давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш орзуси ота-боболаримиздан мерос бўлган муборак заминимизни гуллаб яшнатадиган баркамол инсонларни вояга етказишни заруратга айлантирмоқда.

Эрксевар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди, миллий ғурур, иззат-обрўси тикланиб, қадриятларимиз, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалар. Маънавияти буюк халқни қул қилиш, адабий истибдод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Қудрати, келажаги буюк давлат буюк ижтимоий–иқтисодий ислохотлар, қудратли маънавият заминида вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун миллатнинг камолоти орқали демократик, ҳуқуқий давлат барпо этилади.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин.

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашнинг энг долзарб масаласи сифатида кун тартибига қўйилган. Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавият ва ахлоқ-одоб, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, қобилиятли, ишчан ва ишбилармон кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий суст, билим савияси юзаки ва паст, қобилиятсиз ҳаракатсиз, дангаса, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатлари даврида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Эндиликда, маънавий-маърифий тарбия мустақил давлатмиз сиёсати даражасига кўтарилган. Хуллас, комил инсон муаммоси энг дозарб муаммодир. Мустақиллик ривожини, халқ келажагини баркамол инсонлар таъминлайди.

Ҳозирги кунда баркамол инсон қандай бўлиши керак? Алломаларимиз “агар кишига ҳаётнинг ўзи беролмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир

муаллим” дея насихат қиладилар. Бу ўз тафаккури ёрдамида таълим-тарбия олиш, одоб-ахлоқ нормаларини эгаллаши, ўзи яшаётган жамият, инсонпарварлик хулқ атвориға мос маънавий-ахлоқий кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштириш лозимлигини тақозо этади.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инсон ўз маънавиятининг баркамол илдизларини ўзи яшаб турган жамият , муҳитдан олади. Ўша муҳит талаб этган нормаларда ўз камолотини яратади. Хўш, бизнинг жамиятимиз қандай баркамол ёшларни, мукаммал инсонларни талаб этади? Бизнинг мустақил республикамизда билимли, ахлоқли, маънан юксак, мустақиллигимизни, миллатимизни севувчи, эътиқодли, ўз бурчини аъло даражада бажарувчи, ўз эркига содиқ, виждонли инсонлар керак. Ҳар бир баркамол инсон ўзида қуйидаги фазилатларни мужассамлаштириши керак.

- миллий ифтихор;
- миллий қадриятларга ҳурмат;
- эркинлик ва озодлик;
- инсонпарварлик;
- ватанпарварлик;
- биродарлик ва ҳамкорлик;
- иймон ва эътиқод;
- ҳалоллик;
- ахлоқий поклик;
- адолатпарварлик ва одиллик;
- меҳнатсеварлик;
- ижодкорлик ва ташаббускорлик;
- тадбиркорлик ва ишбилармонлик;
- қонунга нисбатан итоаткорлик;
- ўз ўрнига эътиқодлик;
- мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ғояларига содиқ;
- гўзалликни севувчи;

- динга ҳурмат билан қаровчи;
- байналминаллик.

Хуллас, баркамол инсон Ватанини севувчи, ўз халқи учун жонини фидо қилувчи юксак маънавият эгасидир.

И.А.Каримовнинг маънавият ҳақидаги фикрларидан бирини келтирмоқчимиз: “ Маънавият, тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ –маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, ҳушмуомаладангина иборат эмас, ахлоқ- бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани”.

Дарҳақиқат, шарқона ахлоқ-одоб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, ростгўйлик, диёнат, ҳар томонлама баркамол инсоннинг маънавий қиёфасидир. Шунингдек, маънавияти юксак инсон ҳаромдан ҳалолни фарқлаб олиб, ҳаромга поклик билан нопокликни ажратиб, нопокликка яна хиёнатдан диёнатни ажратиб, хиёнатга адолатсизликка, қарши кураша олади.

Шуни таъкидлаб ўтишим лозимки, баркамол инсон энг аввало руҳан пок бўлиши шарт. Руҳий поклик бу шундай даража-ки, қайсики, илоҳийликка яқинликдир. Бу бизнинг шарқ алломаларимизда қайта-қайта таъкидланганини юқорида айтиб ўтдик. Руҳан пок инсон маънан юксак бўлиб, кўпинча хаёлига ёмон хислатни сиғдира олмайди. У фақат эзгуликка талпинади.

Маънавий-ахлоқий, баркамол инсон ота-онаси, фарзандлари, кўни-қўшнилари, маҳалла-қўйи, хуллас бутун мамлакат, халқ фаровонлиги ҳақида қайғуради, теварак-атрофини ўраб олган инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилади; одоб-ахлоқ, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблайди; ота-боболаридан қолган маданий меросни қадрлайди; миллий қадриятларни эъзозлайди ва уларга содик бўлиб қолади; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади; ўзаро муаммолар муносабатида ўрнатилган бўлишга мойил бўлади; бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилади; умумхалқ маъқуллаган ва

ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституциясини ҳурмат қилади, унга садоқат намуналарини амалда кўрсатади; Ватанни ҳимоя қилиш, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшайди, диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилади, ваъдага вафоли бўлишни ўзига касб қилиб олади.

Адолат ва тенгликнинг барқарорлиги, уни авайлаб асраш, ҳаёт ва турмушда барчага тенг тоқат этиш, кенг халқ оммасининг маънавий-ахлоқий қарашларига ижобий таъсир ўтказади. Зотан, бу инсонпарварлик руҳида тарбияланишнинг муҳим шартидир. Инсонпарварлик- бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас ғазилатидир. Инсоннинг инсонпарварлик ғазилати ўзини ўз халқи ғарзанди сифатида ҳис этиши, уни деб меҳнат қилиши, унинг ғидойиси бўлиш билан баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий зарурат сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Зеро, маънавий баркамол шахс саъйи ҳаракати билангина жамият тараққиётида ривожланиш рўй беради. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “ миллият бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида ғойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шу маънода, бундай хавф ҳатарларга қарши асосий курул сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон аввало, униб, ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамаотчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий – маърифий ғаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти бекиёсдир”,¹ деб алоҳида таъкидлайди.

¹ Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.,2001.

Республикамизнинг мустақилликка эришгани шарофати билан таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ўзида халқимизнинг асрий орзу истақларини, интилишларини ифодалаган ҳолда амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жамият тараққиётига миллий эътиборни қаратганлиги бу ислохотларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ёшларнинг мафкуравий тарбияси, яъни ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида фаол иштирок этадиган комил инсон қилиб тарбиялаш, устувор йўналишлардан бири сифатида мамлакатимиз келажагини белгилайди. Бой, маданий меросимиз мумтоз адабиётимиз анъаналари мустақилликка туфайли юзага келган ижодий эркинлик муҳити, ижод аҳли олдида умумманфаатига мос идеалларни топиш, ибрат намуналарини кенг ёйишдек, масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ижодкор дунё маданиятидан нечоғли хабардор бўлмасин, у энг аввал давр кишиси, ўзи яшаётган жамиятнинг онгли аъзоси. Шундай экан, у ўз Ватани ва ватандошларининг қувонч ташвишларидан четда туролмайди, уларни буюк ўзгаришлар жараёнига чорлайди, шулардан илҳомланади. Аслида, бу барча замонлар ва халқлар адабиётининг етук вақиллари ижодига хос хусусиятдир.

Давр талабларини англаш асосида фаолият юритадиган, ўзида ижобий сифатларни намоён этадиган ёшларни тарбиялаш, уларда эътиқод туйғусини, Ватанига, халққа садоқатни шакллантириш бугунги куннинг талабларидан бири саналади.

Коллеж ўқувчиларида Ватанга садоқатни шакллантиришнинг илмий-педагогик асосларини яхлитлаштириш ва улар мисолида республика ёшларини тарбиялаш масаласини самарали педагогик назария ва амалиётда ҳал этиш лозим.

Коллеж ўқувчиларида Ватанга садоқатни шакллантириш мураккаб педагогик жараён бўлиб, унда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- Коллеж ўқувчиларининг Ватанга садоқатини шакллантиришга бағишланган фалсафий, психологик, педагогик, ижтимоий адабиётларни ўрганиши, улар мазмунини таҳлил қилиши;

- ўқувчилар қиёфасида акс этиши лозим бўлган психо-педагогик хусусиятлар мажмуини асослаш;

- Ўқувчи-ёшларда муайян ижобий сифатлар (Ватанга, халққа муҳаббат, Ватан озодлиги ва юрт фаровонлиги учун курашиш, ишонпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор, ўзга миллат ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, виждон эркинлигига тажовуз қилмаслик, билимлилик, ахлоқлилик, жисмоний етуклик, мустақил фикр, муайян эътиқодга эга бўлиш ва ҳ.к.) ни шакллантириш;

- Адолат ва ҳақиқат учун курашишга нисбатан рағбатни уйғотиш шунингдек, ҳар қандай тажовузкор кучларга нисбатан мурасасиз бўлиш туйғусини қарор топтириш;

- Ўқувчиларда Ватанга садоқатни шакллантиришда бадиий адабиётлар имкониятларини ўрганиш;

- Ўқувчиларни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари хизматидан фойдаланиш омилларини аниқлаш;

- Халқ оғзаки ижоди намуналари -Жалолидидин Мангуберди, Алпомиш каби халқ эпослари қаҳрамонлари, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, А.Авлоний каби замондошларимиз, Сурхондарё, Қирғизистонда террористларга қарши бўлган жангларда Ватан, унинг озодлиги, бир қарич ери учун курашган ватандошларимиз ҳақида тушунчалар бериш.

Ана шу тамойилларга асосланган ҳолда ташқил этилган педагогик фаолият жараёнида ўқувчиларда қуйидаги ахлоқий сифатларни шакллантириш лозим;

1. Ватанпарварлик;
2. Адолатлилик;
3. Мустаҳкам ирода, тиришқоқлик;

4. Миллатпарварлик;
5. Фидойилик;
6. Оддийлик;
7. Хокисорлик;
8. Мустақил фикрга эғалик;
9. Жасурлик, мардлик, меҳнатсеварлик ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётини қуйидаги тўртта асосий маънавий-ахлоқий негизга асосланишини белгилаб берди. Булар:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик;
2. халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш;
3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
4. Ватанпарварликдан иборат.

Бугунги кунда ҳар бир ўқувчи(талаба)ни ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларда миллий ғурур, миллий тафаккур, миллий туйғу каби тушунчаларни шакллантириш ҳар қандай тарбиянинг пойдевори бўлишини тақозо этади.

Ҳар бир коллеж ўқувчиси ҳозирги ўтиш даврида ўзининг ва замондошлари оғирини енгил қилишни мақсад қилиб қўйган: ўзини ҳам, замондошларини ҳам ўйлайдиган, халқ манфаатини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган, ички олами бой, тафаккури теран бўлиши керак...

Хулоса қилиб айтганда, коллеж ўқувчиларида маҳаллийчилик, қонунбузарлик, ватанфурушлик, истиқлол қадрига етмаслик, иродасизлик, дангасалик, кўрқоқлик каби иллатларни тарбиявий ишлар орқали бартараф этиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, ижтимоий вазифалардан бири- элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил инсонни тарбиялашдир.¹

¹ Ёаёёёёё Ё.А. ;çááëëñòííëíá ¢ç ëñðëкëíë âà òàðàккë,ò ё¢ëë.Ò.,1992.-А.65.

ХУЛОСА

Ҳар қандай замоннинг ўзига хос дарди, талаб ва эҳтиёжлари бўлади. Мустақиллик жамият тақдирига тааллуқли жуда кўп жумбоқларни ечиш билан бирга миллий маънавиятимиз олдида турган бир қатор муаммоларни очиб ташлади. Айниқса ахлоқ-одоб масалалари, инсон деб аталмиш табиат гултожига бошқача нигоҳ билан қараш учун ўз миллати анъаналари ва умумбашарий кадриятларни билмоғи кераклиги тан олинди. Баъзи одамларни алдаш мумкин бўлса ҳам бутун бир миллатни узоқ вақт лақиллатиб бўлмаслигини тушуниб етдик.

Қарийб 130 йил давом этган мустамлакачилик сиёсати бизни ўзлигимиздан айиришга ҳаракат қилдилар. Буюк бобокалонларимизга, халқимизнинг асл фарзандлари–Қодирий ва Чўлпон каби зиёлиларимизга “бошқача” нигоҳ билан қарашди. Лекин барибир мақсадларига эришолмадилар. Ҳақиқат эгилса ҳам, ҳеч қачон синмаслиги яна бир бор аён бўлди.

Яхши ҳуққ ва баркамол ахлоқнинг шаклланишида “Ватан” деб аталмиш муқаддас макон билан унинг жонли ва жонсиз ҳилқати, қуёши-ю ҳавоси билан кўз очган булоқлари билан ҳамнафас бўлиши лозим. Агар бизнинг ахлоқий фазилатларимиз миллат ва унинг равнақи учун хизмат қилсагина бошқаларда ҳавас туйғуларини уйғотади. Ана шундагина миллат ўз ўтмишини, урф-одатларини унутмайди.

Дунёда ҳеч қачон ўкиб тугатиб бўлмайдиган бир китоб, охиригача ижро этиб бўлмайдиган бир мусика борки, у ҳам бўлса ватан ва миллат тақдирини ҳамда урф-одатларидир.

Ҳар бир инсон ўз шахсий муаммолари билан бирга замон ва миллат кадриятларига қулоқ тутиши, халқ манфаатини шахсий манфаатидан устун қўймоғи шарт. Ижтимоий ҳаракат илғор ва олижаноб миллий фазилатларга қанот бағишласа, халқ оммаси руҳияти ва орзулари билан йўғрилган бўлса, миллат ва миллий ўзига хосликлар гуллаб яшнайдилар. Ҳеч қачон шахсий

ғараз ва шуҳратпарастлик илинжида айтилган сўзлар юракка етиб бормайди. Қилинган ишлар миллий қадриятлар кўркини оширмайди.

Одамларнинг бошини қовуштирадиган, бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишга жалб этадиган “ҳашар” деб номланган удумларимиз борки, у ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади.

Миллий урф-одатларимиз, ота-бола, қайнона-келин, қон-қариндошлик каби маънавий зийнатларимизни, ўзбек халқининг миллий фазилатларини улуғловчи А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи кўз олдимизга келади. Ўзини ўзбек деб билган, маданиятимизга, маънавиятимизга бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон китобни ҳеч бўлмаганда бир марта ўқиб чиққан бўлса керак деб ўйлайман.

Севимли адибимиз замон муаммолари билан бир қаторда ҳақиқий ўзбек оилаларига хос бўлган жиҳатларни моҳирона акс эттирган. Жумладан, Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойимнинг ёлғиз фарзандини ўз бағрида бўлишини хоҳлашлари, икки ўт орасида қолган Отабек қалб амрига қарши бориб, Ўзбек ойимнинг “орзу-ҳавас”ига рози бўлиши, ёки Кумушбибининг ўз умр йўлдошини чимилдиқда илк бора кўрганида “Сиз ўшами?” дея ҳаё билан сўйлашлари таҳсинга лойиқдир.

Баъзан бугуннинг айрим Отабеклари, Кумушлари ўртасида бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. Назаримизда ўша айрим ота билан болалар, йигит ва қизлар ўртасидаги ахлоқ-одоб пардаси сал йўқолгандек. Бу бизнинг маданиятимизга ёт бўлган европача қарашлар, анъаналар аниқроғи “оммавий маданият”ларнинг таъсири эмасмикан?

Илк тарбия оиладан бошланади. Қуш уясида кўрганини қилади дейишади. Қолаверса бир болага етти маҳалла ота–она деб бежизга айтилмаган. Бола ёш ниҳол ҳисобланади, қаёққа эгса шу томонга қараб ўсаверади.

Ҳақиқатдан ҳам, ёшларга эътибор –келажакка эътибордир. Биринчидан, мамлакатимиз том маънода ёшлар юрти. Ҳозирда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10

миллиондан ортиқроқ. Ёки умумий аҳолининг қарийб 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса аҳолининг 64 фоизини ташкил этади.

Иккинчидан, мамлакатимиз раҳбарияти ёшларни жамоатимизнинг етакчи кучи, деб ҳисоблайди. Шу маънода уларга қлинган ҳар қандай ғамхўрлик, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш келажакка ташланган назар уни олдиндан тасаввур этиш йўлидаги интилишдир.

Учинчидан, ёшларга бўлган муносабат ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан келиб чиқади. Ҳар бир ёш жамият учун индивидуал шахс, ижтимоий фаол инсон сифатида тан олинса-да, энг аввало, ота-онанинг фарзанди, оиланинг меvasи ҳисобланади. Яъни ўзбек миллий хусусиятига биноан ёш йигит – қиз, ўспиринда ғарб тенгдошларидаги индивидуализм билан шарқ ижтимоийлиги уйғунлиги мавжуд.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- мамлакатда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ёшларсиз, уларнинг ижтимоий фаоллигисиз қурилиши мумкин эмас;

- ёшлар ижтимоий фаоллиги тарихий жараёнларда содир бўлади. Шу маънода тарихий жараён, ўзликни англаш, тарихий ҳақиқатни билиш ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан бири;

- ҳозирги шароитда ёшларда миллий ва шарқона қадриятларни сингдиришда Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг ўрни ва роли бениҳоя катта. Ватан тарихи, уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, халқимизнинг миллий мустақиллик йўлида олиб борган мардона курашлари – буларнинг бари ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим йўлларида биридир;

- ёшлар миллий ва шарқона қадриятларни сингдиришда тарихни англаш ва қадрлаш муҳимдир. Тарихни англаш ва қадрлаш – юксак маъсулият туйғусини шакллантиришга қаратилган. Тарих сабоқларини, эл-юрт келажаги йўлида умр

кечирган инсонлар, буюк алломалар фаолиятини англаш, хотирлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш, шу тарихни яратган халқ шаънини ҳимоя қилиш орқали бугунги кун ва келажакка қадрлашни ифодаловчи тушунча. Шу маънода тарихни англаш ва қадрлашсиз ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш мумкин эмас;

Битирув малакавий ишини ёзиш, тайёрлаш натижасида тўпланган материаллар асосида коллеж ўқувчиларига миллий ва шарқона қадриятларни сингдиришда тарихий жараёнларнинг ўрнини орттириш бўйича қуйидаги айрим тақлифларни бериш мумкин:

1. сиёсий-ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш. Шу мақсадда турли суҳбатлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш.
2. Республика вақтли матбуотида миллий ва шарқона қадриятларни ўрганиш бўйича руҳлар ташкил этиш.
3. “Қамолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ролини ошириш.

Хулоса қилиб шу нарсани таъкидламоқчиманки, биз ёшлар интернетдаги турли чорловларга ишонсак, чет элнинг жангари ва ахлоқий бузуқ фильмларини тамоша қилсак, асаб ва қонни жунбушга келтирувчи ажнабий мусиқаларини тингласак ўзлигимиздан йироқлашиб бораверамиз. Аксинча ўз билимларимизни доимий равишда мустақил таълим ҳисобига ошириб борсак, бой маънавий меросимиз, анъаналаримиз, шарқона қадриятларимизни чуқур ўргансак ва албатта мутахассис сифатида уларни кенг тарғиб қилсаккина ватанимиз, миллатимиз, халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз.

Маданият коллежи ўқувчиларининг маънавиятини маданиятдан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, инсон эришган барча бойликлар маънавият ва маданиятнинг уйғунлашишидан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
10. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

13. Каримов И.А. Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. “Халқ сўзи” 2005 йил 18 февраль.

14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил декабр.

15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

16. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифаларимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 46 б.

17. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.-176 б.

18. Каримов И.А “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т.: Ўзбекистон, 2011.-440 б.

19. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик /Асқар Маҳкам таржимаси.-Т.: Шарқ, 2001.-384 б.

20. Алла айтай, жоним болам /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Г.Мардонова.-Т.: Чўлпон, 1996.-64 б.

21. Алла-ё, алла: Ўзбек халқ аллалари /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи О.Сафаров.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-160 б.

22. Ўзбек халқ аллалари /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи О.Сафаров.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-160 б.

23. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-275 б.

24. Дурдоналар хазинаси: Ҳикоятлар, масаллар, ривоятлар, насиҳатлар, ҳикматлар, латифалар /Жамоатчилик асосида муҳаррир М.Қодиров.-Т.: Шарқ, 1999.-192 б.

25. Мурод Малик. Ўзбек қадриятлари. 1-китоб.-Т.: Чўлпон, 1995.-271 б.

26. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-192 б.

27. Наврўз: Наврўз байрами тарихини мактаб, акад. лицей ва коллежларда ўрганиш юзасидан тавсиялар /Тўплаб, нашрга тайёрловчилар М.Хошимхонов ва бошқ.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-335 б.

28. Наврўз ва табиат сирлари /Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Ғ.Жўраева; Масъул муҳаррир И.Абдуллаев.-Т.: Меҳнат, 1991.-30 б.

29. Тавасмий Юсуф. Ҳикматлар хазинаси: Бувалар ва бувилар, оталар ва оналар, келинлар ва куёвлар, жажжи ўғил ва қизчалар учун ибратли ҳикоялар /Масъул муҳаррир А.Ҳайитметов; Тарж. У.Отажон.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти.-1993.-112 б.

30. Темур тузуклари /Масъул муҳаррир Муҳаммад Али.-Т.: Шарқ, 2005.-160 б.

31. Юсупова Д. Алла-алла, паноҳ бўлгин...-Т.: Истиклол, 2008.-28 б.

32. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт: Илмий ишлар тўплами /Муҳаррир А.Умаров.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-199 б.

33. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси /Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур; Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов.-Т.: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001.-617 б.

34. Абдуллаев Р. Алла айтган бахт топди: [Бешик тўйларимиз ҳақида] //Жаннат макон.-2006.-№4.-Б.66-72.

35. Аминов Б. Диллар яйраб-яшнагай меҳрибонлар бўлса жам: Азалий қадриятларимиз //Халқ сўзи.-2004.-21 сент.

36. Аширов А. Ўзбек халқининг тураржойлари билан боғлиқ урф-одатларида диний эътиқодлар

37. Бобоёров Б. Удумларимиз ўзгаларникидан кам эмас //Маҳалла.-2009.-13 май.
38. Бўриев О. Миллатга хос анъаналар: [Ўзбек миллий урф-одатлари ҳақида] //Иқтисод ва ҳисобот.-1997.-№9.-Б.66-67.
39. Деҳқонова Д. Ўзбек давлатчилиги тарихида миллий қадриятлар ҳамда менталитетнинг роли ва аҳамияти //Фалсафа ва ҳуқуқ.-2005.-№4.-Б.54-58.
40. Ибрагимова Г. Халқ анъаналари – миллий бойлиги: [Миллий урф-одатларни сақлаб қолиш хусусида] //Маърифат.-2006.-10 июнь.
41. Иброҳимов А. Қадриятлар – ўзлигимиз тимсоли //Ватанпарвар.-2005.-17 май.
42. Икромов Д. Замонавий аёл: анъана ва маросимлар: [Миллий қадриятларимиз ва аёллар ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-4 апр.
43. Йўлдошев М. Миллий мансублик белгиси: [Миллий ва маънавий қадриятлар ҳақида] //Иқтисод ва ҳисобот.-1997.-№3.-Б.70-71.
44. Йўлдошева С. Миллий қадриятларнинг тикланиши //Жамият ва бошқарув.-2002.-№4.-Б.79-81.
45. Калонов Н. Маҳаллий ислом қадриятларида авлиё-анбиё шахслар ва муқаддас жойларнинг ижтимоий аҳамияти //Юксак маънавият қирралари: Илмий асарлар тўплами 12-чиқиш.-Т., 2007.-Б.23-26.
46. Маҳмудов О. Тафаккур – гулшан, қадрият – уммон: [Урф-одатлар ва маросимлар ҳақида] //Мулоқот.-2004.-№1.-Б.14-15.
47. Миллий қадриятлар //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззокова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.141-142.
48. Мунавваров З. Яратувчанлик – миллий диний қадриятларимизнинг ҳаётбахш кучи: [8-12 асрлар давомида...] //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2000.-№2.-Б.84-85.

49. Мустафоев М. Қизил гул байрами: /Гўзал қадриятларимиз //Саодат.-2006.-№3.-Б.28.

50. Мўмин Асрор. Оқ теракми, кўк терак, бизга болалар ўйинлари керак :Миллий қадрият //Миллий тикланиш.-2009.-18 февр.

51. Назаров Қ. Қадрият / Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 10-жилд: Шарқ-Қизилқум /Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Аминов, М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.-Б.570-571.

52. Нарзуллаев Д. Бешик болани тебратар...: Миллий қадриятимиз //Ўзбекистон овози.-2009.-1 сент.

53. Очилов К. Келин салом қўшиқлари //Ўзбек тили ва адабиёти.-2008.-№1.-Б.67-69.

54. Примова Ф. Миллийлик ва умуминсонийлик: Қадрият: [Миллий қадрият ва анъаналарнинг ҳозирги кундаги аҳволи хусусида мулоҳазалар] //Мулоқот.-1998.-№2.-Б.45-46.

55. Раҳматуллаев М. Маънавият соҳасидаги қадриятларни тиклаш: Тарих //Халқ таълими.-1993.-№4-5.-Б.21-24.

56. Тожибоев Т. Халқ ўйинлари тобора оммалашмоқда: Қадриятларимиз //Миллий тикланиш.-2009.-22 апр.

57. Толипов Ф. Халқ ўйинлари: [“Чорқарсак” ва “Бешқарсак”, “Кураш”, “Подачи”] : Қадрият //Саодат.-2006.-№4.-Б.6.

58. Тошева Г. Совчилик: [Гўзал удумларимиздан бири совчилик ҳақида] //Гулистон.-2001.-№4.-Б.32-33.

59. Умаралиев А. Миллий қадриятларга садоқат туйғусини фарзандларимиз қалбига сингдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир //Халқ сўзи.-2009.-17 дек.

60. Қиличев У. Миллий қадриятнинг қайта тикланиши ва унинг ривожланишида давлатнинг роли ва ўрни: [Хунар таълими тарихи мисолида] //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2009.-№1.-Б.163-168.

61. Кувондиқов И. Оқибат: Қадрият //Адолат кўзгуси.-2008.-19-25 сент.
62. Қўчқоров А. Миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятлар //Жамият ва бошқарув.-2003.-№4.-Б.52-53.
63. Ҳабибуллаев А. “Етти”лик фазилатлари ва шажара хосияти: Қадрият //Фидокор.-2003.-6 март.
64. Ҳайитов З. Маънавий мерос ва миллий ўзликни англаш: [Урф-одат, анъана, маросим, қадриятлар ҳақида] //Тафаккур.-2007.-№3.-Б.112-113.
65. Ҳакимова О. Миллий урф-одатлар асосида талабаларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш //Маданият – миллий бирлик асоси.-Т.: Адолат, 2004.-Б.22-26.
66. Ҳомидий Ҳамиджон. Жамиятни маърифат қутқаради: Тарих ва замон: [Ўзбек халқининг миллий қадриятлари фольклорда...] //Мулоқот.-2000.-№4.-Б.25-29.

1. <http://www.yuridlit.ru>
2. <http://www.allpravo.ru>
3. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>
4. <http://www.lawbook.ru>
5. <http://www.books.ru>
6. <http://www.bookz.ru>